

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК ()

ДОЛМАТОВ ТЕМИРБУЛАТ ОЛЕГОВИЧ

**“Ҳарбий иш асослари ўқув бўлими амалий машғулотларини
ўтказишда “Ҳамкорликда ишлаш” усулидан
фойдаланиш” мавзусида**

**Мутахассислик: 5A111501-Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси
(чақириққача ҳарбий таълим)**

Магистр даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

“Ҳимояга руҳсат этилсин”

Магистратура бўлими бошлиғи:

“Ҳимояга тавсия этилсин”

“Ҳарбий” кафедра бошлиғи:
п/п-к Л _____ .Х.Давиров

“ _____ ” июн 2019 йил

“ _____ ” июн 2019 йил

Илмий раҳбар: подполковник
_____ А. .Кочкаров

Тошкент – 2019 йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ

3

I-	ЧАҚИРУВГА ҚАДАР БОШЛАНГИЧ ТАЙЁРГАРЛИК	10
БОБ.	САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ НИНГ ПЕДЕГОГИК АСОСЛАРИ	
1.1.	Чақиравга қадар бошланғич тайёргарликни педагогик 10 технологиялар асосида ташкил этиш педагогик муаммо сифатида.....	
1.2.	Чақиравга қадар бошланғич тайёргарлик жараёнига педагогик 26 имкониятларнинг қўлланилиши ва мезонлари, педагогик технологиияларни тадбиқ этишининг мавжуд ҳолати.....	
II-	ЧАҚИРУВГА ҚАДАР БОШЛАНГИЧ ТАЙЁР ГАРЛИК	41
БОБ.	ЖАРАЁНИГА “ҲАМКОРЛИКДА ИШЛАШ” УСУЛИНИ ТАТБИҚ ЭТИЛИШИННИНГ МАЗМУНИ.	
2.1.	Таълимда ўргатувчи ва ўрганувчи фаолиятлари 41 уйгунлашуви.....	
2.2.	Ҳамкорликда ишлаш тушунчаси, унинг афзаликлари ва ўқиш 44 тамойиллари.....	
2.3.	“Чақиравга қадар бошланғич тайёргарлик” фанини ўқитища 52 ҳамкорликда ишлаш усулини қўллаш йўллари.....	
III-	ЧАҚИРУВГА ҚАДАР БОШЛАНГИЧ ТАЙЁР- ГАРЛИК	62
БОБ.	ЖАРАЁНИДА ҲАМКОРЛИКДА ИШЛАШ УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ САМАРАДОР ЛИГИ	
3.1.	Тажриба–синов ишларининг қўйилиши ва мазмуни..... 62	
3.2.	Тажриба-синов ишлари натижалари..... 67	
	Умумий ҳулоса ва тавсиялар..... 71	
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати..... 76	
	Иловалар..... 79	

КИРИШ

Тадқиқотнинг долзарбилиги: Янги шароитлардан келиб чиқиб, «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, 2017-2021- йилларга мўлжалланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг“Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ, таълим босқичларининг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш, таълимнинг замонавий методологиясини яратиш, давлат таълим стандартларини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш, ўқув-методик мажмуаларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, мактабгача таълим муассасаларининг қулайлигини таъминлаш, умумий ўрта таълим, ўрта маҳсус ва олий таълим сифатини яхшилаш ҳамда уларни ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш ҳамда педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тақозо этади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар кўп жиҳатдан мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнлари билан ҳамоҳанг тарзда олиб борилмоқда. Бунда асосий йўналишлар сифатида олий ва ўрта маҳсус таълим тизимида ўқув ўқув -услубий ва илмий фаолиятни модернизация қилиш, таълим ва тадқиқот жараёнларидағи инновацион йўналишларни кучайтириш тадбирлари изчил амалга оширилмоқда. Мазкур тадбирлардан кутилаётган асосий мақсад, юқори даражадаги интеллектуал салоҳиятга эга бўлган миллий мутахассис кадрларни тайёрлаш технологияси ҳамда таълимнинг мазмунини янгича босқичга кўтаришдан иборатdir.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2012 йил 28 майдаги “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини

янада такомиллаштиришга оид чора тадбирлар тўғрисида” ПҚ-1761-сонли қарорида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази:таълим жараёнида илғор педагогик услуг ва технологиялари (“case study” услуби, лойиҳалар услуби, ҳамкорликда ўқитиш, “амалий ўйин”, интерфаол таълим услуби ва бошқалар), ахборот- коммуникация технологиялари, электрон таълим ресурслари ва мультимедиа тақдимотларидан фойдаланиш борасида чет эл тажрибасини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиб чиқиши;чет эл тажрибасини инобатга олган ҳолда, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар учун янги ўқув режалари ва дастурларини қайтадан ишлаб чиқсиш ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлаб, уларда анъанавий мактаб таълими услубларидан воз кечиб, амалий машғулотлар ва ишлаб чиқариш амалиёти бўйича соатлар кўпайтирилишини назарда тутилиши, педагогик вазифанинг умумийлик даражасига қарамай умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимида илмий асосланган тизимини яратиш асосий муаммоларни ижобий ҳал этилишига қаратилгандир. “Ҳарбий иш асослари ўқув бўлими амалий машғулотларини ўтказишида “ҳамкорликда ишлаш” усулидан фодаланиш” мавзусини долзарблиги ҳам ана шундадир.

Тадқиқотнинг мақсади: Ҳамкорликда ишлаш усулидан фойдаланиб чақиравга қадар бошланғич тайёргарлик ўқув машғулотларини самарадорлигини оширишнинг мазмуни, методлари, воситаларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- Ҳамкорликда ишлаш усулидан фойдаланиб умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимида чақиравга қадар бошланғич тайёргарлик ўқув машғулотларини самарадорлигини таъминлаш ва ўқув машғулотларини самарадорлигини оширишнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ва ўрганиш.

- янги педагогик технологияларни яратилишида ҳамкорликда ишлаш усулининг ўрни ва ахамиятини ўрганиш.
- Ҳамкорликда ишлаш усулидан фойдаланиб чақиравга қадар бошланғич тайёргарлик ўқув машғулотларини самарадорлигини ошириш ва уни ўқув жараёнига татбиқ этиш имкониятларини ўрганиш.
- Ҳамкорликда ишлаш усулидан фойдаланиб чақиравга қадар бошланғич тайёргарлик ўқув машғулотларини самарадорлигини ошириш юзасидан методик тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётта жорий этиш.

Тадқиқот мавзусининг ўрганилганлик даражаси:

Д.М. Файзуллаева ва М.А., Ганиева ларнинг ҳамкорликда ишлаш педагогик технологиялари тўпламида замонавий ўқитиши виситалари – ўқув машғулотида ўқитиши технологиясининг элементи тақдим этилган: биринчи қисмда - слайдли тақдимотни ишлаб чиқиш педагогик технологияси; иккинчи қисмда - ўқув топшириқни бажаришга йўриқномани ишлаб чиқиш педагогик технологияси; учинчи қисмда - график ташкил этувчиларнинг педагогик технологияси тақдим этилган.

Г.Н. Ахунова., Л.В. Голиш. ва Д.М. Файзуллаеваларнинг “Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш” номли ўқув услубий қўлланмасида “Касбий фанларни ўқитишида илфор педагогик технологиялардан фойдаланиш” номлий услубий қўлланмасида касбий фанларни ўқитиши жараёнини лойиҳалаш ва режалаштириш, интерфаол таълимни ташкил этишининг ўзига хосликлари, интерфаол методлар ва график организерлар, кейс-стади, ўқув лойиҳаси ва ўқув портфолиоси каби илфор педагогик технологияларга оид назарий материаллар ўз аксини топган.

М.А., Ганиева Д.М. Файзуллаеваларнинг “Ўқитишининг лойиҳавий технологияси тўплами”ида ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларидаги ўқитишининг лойиҳавий технологияси бўйича намуналар келтирилган.

А.Сотволдиевнинг “Чақи्रувга қадар чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик ни ташкил этиш ва унинг методикаси” ўқув қўлланмасининг I-II қисмда таълим муассасаларида ёшларни чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фанини ташкил этилишининг хуқуқий асосларини ва унинг тартиб қоидаларини ҳозирги кун талаблари асосида ёритилган ўқув материалларни, шунингдек, ёшларни чақирувга қадар бошланғич тайёргарлиги фанини олиб боришнинг асосий шакл ва услубларини,унинг ташкилий асосларини ва таълим муассасаларининг ёшларни чақирувга қадар бошланғич тайёргарлиги фани бўйича ўқув дастури бўйича машғулотларни олиб бориш учун ҳозирги кун талаблари асосида ишлаб чиқилган услубий ёндашувлар баён этилган.

А.Сотволдиевнинг “Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик” фанини касбий соҳаларга йўналтириб ўқитиш методикаси”(урта маҳсус, касб-хунар таълими чақириққача тайёрлаш ўқитувчилари учун) номли методик қўлланмасида Чакирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқув машғулотларини ўзига хос томонларини ёрутувчи маълумотлар мавжуд бўлиб бунда педагогик технологиялардан фойдаланиш бўйича тавсилар берилган.

А.Сотволдиевнинг “Ҳарбий таълимда кейс стадини адаптациялашнинг айрим масалалари”¹ номли илмий мақоласида ҳарбий таълим жараёнида кейс стадини қўллаш, уни ҳарбий таълим учун мослаштириш ва шу орқали ўқув жараёнининг самарадорлигини ошириш масалалари ёритилган.

Ф.Қ. Мұхаммадиевнинг магистрлик диссертациясида (2014 й) Педагогик олийгоҳлари ҳарбий кафедраларида “Фуқаро муҳофазаси” фани таълим мини технологиялаштириш йўлларини назарий методологи жихатдан асослаб, машғулотларда “Кейс стади” услубини жорий этишга қаратилган педагогик технология, унинг хусусиятлари, интерфаол метод, асосида ўқитиш методикасига доир масалалар баён этилган.

¹ ПЕДАГОГИКА илмий -назарий ва методик журнали 2/2017.61-71 бетлар.

Ҳамкорликда ишлаш усулидан фойдаланиб чақи्रувга қадар бошланғич тайёргарлик ўкув машғулотларини самарадорлигини оширишда педагогик технологияларнинг таъсир кучи ниҳоятда каттааҳамиятга эга бўлиб, улар таълим жараёнининг ташкилий шакллари сифатида ўқувчиларнинг онги, хулқи, ҳатти-ҳаракатларида фаолиятларига таъсир этади ва ўқув жараёнида, ўзининг қимматига эгадир

Адабиётларни таҳлил қилиш жараёнида маълум бўлдики, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида ўқитишининг ҳамкорликда ишлаш усули бўйича умумий методик тавсиялар мавжуд бўлсада, айнан “Ҳарбий иш асослари” ўкув бўлими амалий машғулотларини ташкил этиш ва олиб боришда ўқитишининг Ҳамкорликда ишлаш усулидан фойдаланиш бўйича мукаммал методик қўлланма ишлаб чиқилмаган.

Бундан келиб чиқсан ҳолда магистрлик татқиқот мавзусини “Ҳарбий иш асослари” ўкув бўлими амалий машғулотларини ўтказишида “ҳамкорликда ишлаш” усулидан фодаланиш” мавзуда танладик.

Тадқиқот обьекти: Умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимида Чақириувга қадар бошланғич тайёргарлик фани “Ҳарбий иш асослари” ўкув бўлимини ўқитиш жараёни.

Тадқиқот предмети: Ҳамкорликда ишлаш усулидан фойдаланиб Чақириувга қадар бошланғич тайёргарлик фани “Ҳарбий иш асослари” ўкув бўлими, ўкув машғулотларини самарадорлигини оширишнинг механизми, шакл ва методлари.

Тадқиқотнинг методлари:

Илмий-методик манбаларнинг таҳлили, баҳс мунозара, анкета сўровномалар, савол-жавоб, сухбат, кузатиш, тест ва педагогик тажрибалар.

Тадқиқот мавзусининг илмий фарази:

Ҳамкорликда ишлаш усулидан фойдаланиб Чақириувга қадар бошланғич тайёргарлик фани “Ҳарбий иш асослари” ўкув бўлими ўкув

машғулотларини самарадорлигини ошириш жараёни муваффақиятли ва самарали бўлади»

Агар:

- Ҳамкорликда ишлаш усулидан фойдаланиб Чақиравга қадар бошланғич тайёргарлик фани “Ҳарбий иш асослари” ўқув бўлими ўқув машғулотларини самарадорлигини оширишнинг асосий шартлари чуқур ўрганилиб, англаб этилса;
- Ҳамкорликда ишлаш усулидан фойдаланиб Чақиравга қадар бошланғич тайёргарлик фани “Ҳарбий иш асослари” ўқув бўлими ўқув машғулотларини самарадорлигини ошириш Қуроллир Кучларимизда олиб борилаётган ислоҳатлар назарда тутган ҳолда амалга оширилса;
- Ҳамкорликда ишлаш усулидан фойдаланиб Чақиравга қадар бошланғич тайёргарлик фани “Ҳарбий иш асослари” ўқув бўлими ўқув машғулотларини самарадорлигини ошириш илмий-амалий аҳамиятга эга бўлиб, унинг ўзига хос омиллари, методлари, воситалари замон талаблари даражасида такомиллаштириб борилса.

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти:

- Ҳамкорликда ишлаш усулидан фойдаланиб Чақиравга қадар бошланғич тайёргарлик фани “Ҳарбий иш асослари” ўқув бўлими ўқув машғулотларини самарадорлигини оширишнинг илмий, назарий асосларини яратиш;
- Ҳамкорликда ишлаш усулидан фойдаланиб Чақиравга қадар бошланғич тайёргарлик фани “Ҳарбий иш асослари” ўқув бўлими ўқув машғулотларини самарадорлигини оширишнинг методикасини ишлаб чиқиш;
- Ҳамкорликда ишлаш усулидан фойдаланиб Чақиравга қадар бошланғич тайёргарлик фани “Ҳарбий иш асослари” ўқув бўлими ўқув машғулотларини самарадорлигини оширишнинг ўзига хос механизмлари яратилади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти: Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида Чакиравга қадар бошланғич тайёргарлик фани “Ҳарбий иш асослари” ўқув бўлими амалий машғулотларида ўқитишининг лойиҳавий технологиясини қўллаш бўйича фан ўқитувчисининг ташкилий ва услубий жиҳатдан имкониятлари такомиллашади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

-Ҳамкорликда ишлаш усулидан фойдаланиб Чакиравга қадар бошланғич тайёргарлик фани “Ҳарбий иш асослари” ўқув бўлими ўқув машғулотларини самарадорлигини ошириш омилларига оид билимларини ахборот технологиялари асосида ривожлантиришнинг назарий асосларини аниқланди;

-ҳамкорликда ишлаш усулидан фойдаланиб Чакиравга қадар бошланғич тайёргарлик фани “Ҳарбий иш асослари” ўқув бўлими ўқув машғулотларини самарадорлигини оширишда таълим бериш йўллари такомиллаштирилди ва унга мос мезонлар аниқлаштирилди.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи:

Илмий методик манбаларни таҳлил қилиш, илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш ва умумлаштириш, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида Чакиравга қадар бошланғич тайёргарлик фани “Ҳарбий иш асослари” ўқув бўлимининг амалий машғулотларида ҳамкорликда ишлаш усулидан фойдаланиш механизми ишлаб чиқлади.

Тадқиқотнинг структуравий тузилиши:

Магистрлик диссертацияси кириш, 3 боб, 6 параграф, умумий хуносалар, иловалар ва адабиётлар рўйҳати билан биргаликда 69 бетдан иборат.

І-БОБ.ЧАҚИРУВГА ҚАДАР БОШЛАНҒИЧ ТАЙЁРГАРЛИК САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ НИНГ ПЕДЕГОГИК АСОСЛАРИ

1.1. Чакириувга қадар бошланғич тайёргарликни педагогик технологиялар асосида ташкил этиш педагогик муаммо сифатида.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва ҳуқуқ-тартиботни, жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик мұхитини таъминлаш учун муҳим пойдевор бўлди, ҳалқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши, жаҳон талаблари даражасида таълим олиши ва касб эгаллаши, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Янги шароитлардан келиб чиқиб, «Таълим тўғрисида»ги ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, 2017-2021- йилларга мўлжалланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси”, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Педагог кадрларни тайёрлаш, ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти Қарорига мувофиқ, таълим босқичларининг узлуксизлиги ва изчиллигини таъминлаш, таълимнинг замонавий методологиясини яратиш, давлат таълим стандартларини компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштириш, ўқув-методик мажмуналарнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, мактабгача таълим муассасаларининг қулайлигини таъминлаш, умумий ўрта таълим, ўрта маҳсус ва олий таълим сифатини яхшилаш ҳамда уларни ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш ҳамда педагог

ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштиришни тақозо этади.²

Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг(1997й.) иккинчи босқичи сифат босқичи ҳисобланиб, бунда ўқув жараёнига илғор педагогик технологияларни жорий этиш мухим аҳамиятга эга бўлади. Бунда хорижий мутахассис олимлар билан бир қаторда республикамизнинг педагог олимлари Аширбаев С., Сайдидахмедов Н.С., Жўраев Р.Ҳ., Фарберман Б.Л. ва бошқалар томонидан ҳам самарали илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Мамлакатимиз ўқув юртларида ҳам педагогик технологияга қизиқиш ортиб унга турлича қарашлар ва бу тушунчани ўзига хос талқин қилишлар, шунингдек, педагогик технологияни ўқув жараёнига жорий этишга ҳам турлича ёндашувлар содир бўлмоқда. Ушбу бўлимда ўтган асрнинг 60-йилларида АҚШ (Б. Блум, Д. Кратвол, Н. Гронланд, Ж. Керрол) да яратилган ва жаҳондаги 30 га яқин мамлакатлар таълим тизимида муваффақиятли қўлланиб келинаётган педагогик технологиянинг моҳияти, унинг назарий асослари, ўзига хос хусусиятлари ҳамда бу технологиянинг мамлакатимиз таълим тизимига жорий этишнинг аҳамияти ҳақида фикр юритилади. Зеро, ўқитишига технологик ёндашувнинг ўзбек халқ педагогикаси ғоялари билан уйғунлаштириб ўқув жараёнига тадбиқ этиш, кадрлар тайёрлаш сифатини жаҳон таълим стандартларига мувофиқлаштиришда алоҳида ўрин тутиши муқаррардир.

Ўқитиши жараёнига технологик ёндашувнинг моҳияти ва аҳамияти. Бизга маълумки, Ўзбекистон хукумати, шахсан муҳтарам Биринчи Президентимиз Ислом Абдуганиевич Каримов Республикамиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ, айниқса, сўнгги йилларда маънавият ва маърифат масалалари ва таълим тизимини такомиллаштириб,

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 сентябрдаги “Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № ПҚ-3289-сонли Қарори.

уни жаҳон андозаларига мувофиқлаштириш бўйича ибратли ишларни амалга оширмоқдалар.

Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси IX сессиясида(1997 йил 29 август) Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши фикримизнинг яққол далилидир. Бу муҳим хужжатлар истиқболий характерга эга бўлиб, уларнинг мамлакатимиз таълим тизимини такомиллаштиришда қандай аҳамиятга эга эканлиги ҳаммамизга маълум. Ўтган давр ичида таълимни ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилган ишлар, уларнинг бажарилиши бўйича дастлабки ютуқлар эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Таълим мазмунини ислоҳ қилиб, уни жаҳон таълим стандартларига мувофиқлаштиришда илғор педагогик технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор берилган. Хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида «ўқув жараёнини илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш» зарурлиги ҳам алоҳида кўрсатиб ўтилган [1].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 5 февралдаги Қарорига биноан республикамиз олий ўқув юртларига ёшларни тест усулида қабул қилишнинг жорий этилиши, Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари ичида биринчи марта жаҳон педагогикасидаги илғор тажрибаларни ўрганишга йўл очганлигидан далолат беради. Республикаизда тест усулини Давлат аҳамиятидаги масала даражасига кўтарилиганлиги, педагогик технологияни ўқув жараёнига жорий этишга ҳам кенг имконият яратди.

Шуни таъкидлаш лозимки, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан барча ўқув юртларида илғор педагогик технологияларни жорий этиш бўйича аниқ мақсад сари самарали ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 1997 йил апрел-июн ойларида ўtkazilgan Республика илмий-амалий семинарлар дастурида педагогик технологияни ўқув жараёнига жорий этиш масаласи ўз аксини топган. Ўша йили август ойида «Муаммолар» институтида «Илғор педагогик технологиялар» бўйича

жадаллаштирилган курс ташкил қилиниб, унда профессор Б. Л. Фарберман қизиқарли маъruzалар ўқиди. У таъкидлаганидек: «Кўп босқичли таълим тизими, янги стандарт ва ўқув дастурлари жорий этилаётган ҳозирги даврда ўқитишни эскича услугуб билан олиб боришга йўл қўймаслик керак».

Ўтган давр мобайнида бу институт томонидан республикамиздаги бир нечта олий ўқув юртларида педагогик технологияни ўқув жараёнига жорий этиш масаласига бағишлиланган маҳсус курс ва семинарлар ўтказилди. Хусусан, 1999 йилнинг ўзида Республика (8-9 апрел) ва 7 та худудий семинарлар ўтказилди («Таълим муаммолари» 1999 й. № 1-2). Бу эса ҳозирги кунда педагогик технологияни ўқув жараёнига жорий этиш, Вазирлик миқёсида энг долзарб масалалардан бири эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Вазирлик кўрсатмаларига амал қилган ҳолда, Наманган муҳандислик педагогика институтида ҳам педагогик технологияни ўқув жараёнига қўллаш бўйича бир мунча ишлар қилинмоқда. Жумладан, институт илмий кенгашининг 1997 йил 5 декабр кунги йиғилиш қарори билан профессионал-педагогик тайёргарлик йўналиши ишчи ўқув режасига 40 соат ҳажмда «Илғор педагогик технологиялар» фани киритилди ва у ҳозирги кунларда ҳам ўқитилмоқда. 1999 йилдан эса таълим стандартларига мувофиқ Республикамиздаги педагогик кадрлар тайёрловчи барча олий ўқув юртларида бу фанни ўқитилиши жорий қилинди. Бу фаннинг аҳамияти шундаки, мазкур таълим йўналиши битирувчиларининг асосий қисми ўрта мактаб, академик лицей ва касб-хунар коллежларида фаолият кўрсатадилар. Улар машғулотларни педагогик технология қоидаларига асосан лойиҳалаб, дастлабки иш фаолиятидаёқ ҳамкаслари диққат-эътиборини ўзига тортиши ва демак, ўз ҳамкаслари ўртасида замонавий педагог сифатида эътиборга сазовор бўлиши зарур. Ҳозирда малака ошириш курси тингловчилари учун ҳам илғор педагогик технология фани ўқитилиб, уларда содир бўлган

функционал лаёқатсизликка барҳам берилмоқда. Ўтказилган сўровномаларда тингловчилар бу фанни энг долзарб эканлигини таъкидламоқдалар.³

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг амалдаги иккинчи босқичи – узлуксиз таълим тизимини ислоҳ қилишни чукурлаштириш, талабаларнинг қобилияtlари ва имкониятларига қараб табақалаштирилган таълимга ўтиш, ўқув-тарбия жараёнини юқори сифатли ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминлаш, ахборотлаштириш, масофавий ўқитишни кенг йўлга қўйиш каби вазифаларни амалга оширишни кўзда тутади. Бу мақсадга эришида олий таълим тизимида фаолият кўрсатаётган ўқитувчилар юксак касбий маҳорат ва компьютер саводхонлигига эга бўлишлари талаб этилади.

Мазкур жараёнда замонавий педагогик технологияларнинг бир қанча муаммолари ўз ечимини топади. Яъни:

- таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базалари яняда мустаҳкамланади;
- ўқув-тарбия жараёни янги ўқув-услубий мажбуриятлар, илғор педагогик технологиялар билан тўлиқтаъминланади;
- миллий (элита) таълим муассасаларини қарор топтириш ва ривожлантириш амалга оширилади;
- касб-хунар таълими муассасаларининг мустақил фаолият юритиши ва ўз-ўзини бошқариш шакллари мустаҳкамланади;
- таълим жараёнини ахборотлаштириш, узлуксиз таълим тизими жаҳон ахборот тармоғига уланадиган компьютер ахборот тармоғи билан тўлик қамраб олинади;

³ Ишматов К. Педагогик технология. Марузा матни. Наманган, НамМПИ.-2004.- 95 6.

Узлуксиз таълим тизимининг олдига қўйилган давлvt ва ижтимоий буйуртмага мувофиқ, олий ўкув юртлари таълим-тарбия жараёнинг самарадорлигини ошириш, илм-фаннынг сўнгги юксак маънавиятли, касб-хунарли, она-Ватанга садоқатли, миллий умуминсоний қадриятли руҳида тарбияланган, ижодий ва мустақил фикр юрита оладиган, давлvt ва жамиат олдида ўз бурчи ва жавобгарлигини ҳис этадиган баркамол шахсни камолга етказиш, уларнинг онги ва қалбига миллий истиқлол ғоясини сингдириш каби муҳим вазифаларни амалга ошириш назарда тутилади.

Ушбу вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши таъдим-тарбия жараёнида замонавий педагогик технологиялардан фойдаланишини тақозо этади.

Ўқув-тарбия ишлари жараёнида талаба ёшларни ижобий фикрлашга, ўзгаруачан вазиятларга ўргатиш, эркин рақобат асосида фаолиятни ташкил этиш ҳамда уларнинг амалий машғулотларида ахборот технологиялари, электрон дарсликлар, версиялар ва мултимедиалардан фойдалана билишлари муҳимдир. Бу эса талабаларда мустақиллик, эркин фикрлашни тарбиялашни, ўқув фаолиятини таҳлил қилишни, истиқболда касбий маҳорат ва компьютер саводчонлигини орттириш уларнинг ички эҳтиёжига айлантирилишини талаб этади.

Замонавий педагогик ва ахборот технологиялари таълим-тарбия жараёнининг бир тизимга солинган илмий-назарий ва методик асосланган янги шакл, усул ва восита яхлитлиги таъминланади ҳамда ўқув мақсадларига эришишни кафолатлайдиган ўқув жараёни лойиҳалаштирилади ва амалга оширилади. Технологик ёндашув, энг аввало, тасвиrlаш эмас, балки лойиҳалаштирилган натижаларни амалга ошириш имконини берувчи амалий кўрсатмали тузилмада ўз ифодасини топади.

Замонавий педагогик технологияларнинг мақсади, мазмуни ва вазифаси

Кадрлартайёрлаш миллий дастури асосида амалга оширилаётган таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг биринчи босқич вазифалари муваффақиятли ҳал қилиниб, иккинчи сифат босқичи давом этмоқда. Бу босқичдан ўқув-тарбия ишларини бутунлай янги асосда ташкил қилиш, юқори сифат кўрсаткичига эришиш талаб қилинади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури юксак умумий маданиятга ва касб-хунар маданиятига, ижодий ва ижтимоий фаолликка, сиёсий ҳамда ижтимоий ҳаётда йўл топа билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантириш, шунингдек, ҳар томонлама камол топган, жамиятга, турмушга мослашган, таълим ва касб-хунар дастурларини онгли равища пухта ўзлаштирган, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутган педагогик ғояни илгари суради.

Ушбу педагогик ғоя тизими олдига:

- таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга оширилаётган янгилиниш, ривожланган хуқуқий-демократик давлат қурилиши жараёнларига мослаш;
- кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий тароққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиқсан ҳолда қайта қуриш;
- таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг самарали шакллари ва услубларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этишни ҳал этиш вазифаларини қўндаланг қилиб қўйади.

Хозирги даврда жамиятимизда янги ижтимоий муносабатларнинг шаклланиши, таълимнинг дунё таълим тизимига интегратсиялашуви, демократсиялаш ва инсонпарварлаштириш жараёнларининг ривожланиши таълим жараёнида замонавий педагогик технологияларига янгича ёндашув зарурлигини тақозо этмоқда.⁴

Педагогик технология - барча бошқарилувчи ташкилий кисмлар ва уларнинг бөгликлигини тахлил килиш, танлаш, лойихалаш ва назорат килиш йули билан педагогик самарадорликни юкори даражага кутариш хамда бу борада тизимли ёндашувни жорий этишни ифодалайди.

Педагогик технология (ПТ) - шундай билимлар соҳасики, улар ёрдамида XXI асрда давлатимизда таълим соҳасида туб бурилишлар юз беради, Ўқитувчи фаолияти янгиланади, талаба-ёшларда хурфиксрилик, билимга чанкоклик, Ватанга меҳр-мухаббат, инсонпарварлик туйгулари тизимли равишда шаклланади. Маълумотлилик асосида ётувчи бош гоя хам табиат ва инсон узвийлигини англаб етадиган, авторетар ва соҳта тафаккурлаш усулидан воз кечган сабр бардош-ли, каноатли, узгалар фикрини хурматлайдиган, миллий маданий ва умуминсоний кадриятлар каби шахс сифатларини шакллантиришни кузда тутган инсонпарварлик хисобланади. Бу масаланинг ечими кайси даражада таълимни технологиялаштириш билан бөгликтан? Технология тушунчаси техникавий тараккиёт билан бөглик холда фанга 1972 йилда кириб келди ва юононча икки суздан-технос (technt)-санъат, хунар ва логос (logos) - фан, таълимот сузларидан ташкил топиб хунар фани маъносини англатади. Бирок бу ифода замонавий технологик жараёнини тулик тавсифлаб бера олмайди. Технологик жараён хар доим зарурий воситалар ва шароитлардан фойдаланган холда амалларни муайян кетма-кетликда бажаришни кузда

⁴ Худойкул Тўраев. Баркамол авлод йили. 2010 й.

тутади. Янада аникрок айтадиган булсак, технологик жараён бу меҳнат куроллари билан меҳнат объектларига боскичма боскич таъсир этиш натижасида махсулот яратиш борасидаги ишчининг фаолиятидир. Яъни: ПТ-бу Ўқитувчи (тарбиячи) нинг укитиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўкувчи (талаба) ларга муайян шароитда таъсир курсатиш ва бу фаолият махсули сифатида улардан олдин белгиланган шахс сифатларини интенсив шакллантириш жараёнидир.

Хозирги кундаги педагогик наширларда (технология) атамасини хилма хил талкин этилиши холатини кузатишимииз мумкин: укитиш технологияси, ўкув жараёни технологияси, маълумот технологияси, тарбий технологияси ва х.к. Укитиш технологияси ПТга якин тушунча булсада айнан ухшаш маънони англатади, чунки у маълум предмет, мавзуу ва саволлар доирасидаги аник ўкув материалларини узлаштириш йулини муайян технология атрофида ифода этади. У купрок хусусий методика билан бир жинслидир.

ПТ эса маълумот технологиясини жорий этиш тактикасини ифодалайди ва “Ўқитувчи-педагогика жараён Ўқитувчи (талаба)”. Функционал тизим конуниятларга тегишли билимлар асосида курилади.

Баъзан методикани технологиядан ажрата олмайдиган, улар бир нарса деб эътироф этадиган амалиётчи Ўқитувчилар учраб туради.

Методика-ўкув жараёнини ташкил этиш ва утказиш буйича тавсиялар мажмуасидан иборат десак, ПТ- Ўқитувчининг касбий фаолиятини якунловчи ва таълимда якуний натижани кафолатлайдиган муолажа йигиндисидир. Маълум вакт давомида ПТ- ўкув жараёнини техник воситалари ёрдамида амалга ошириш деб караб келинган эди. 70-йиллардан бошлаб эса педагогик адабиётларда бу тушунчанинг мохияти анча кенг талкин этила бошланади. Япония олими Т.Саковмото томонидан “укитиш технологияси-бу укитишнинг макбуллигини таъминловчи йул йурик- лар

тизими билан бөгликтөр билимлар сохаси” деб изохланади. Руслами Н.Ф.Тализина технологияси “Белгиланган ўкув максадга эришишнинг оқилона усулларини аниклашдан иборат” деб тушунтирилади. И.Я.Лернернинг фикрича ПТ-ўкувчилар харакат-ларида акс этган укитиш натижалари оркали ишонч- ли англаб олинадиган ва аникланадиган максадни ифодалашни такозо этади. Куриниб турибдики, ПТ белгиланган бошлангич максад ва мазмун асосида ўкув жараёнини лойихалаш сифатида ташкил этилган. Бу бир жихатдан тугри булса, чукуррок тахлил этилса, бир ёкламалик аникланади ёки бундай ёндашувда ўкувчи шахс эътибордан четда колмоқда. Бу холатни ёки камчиликни академик В.П.Беспалко аниклади ва ПТ бу ўкитувчи маҳоратига бөгликтөр булмаган холда педагогик мувофакиятини кафолатлай оладиган ўкувчи шахсни шакллантириш жараёни- нинг лойихасидир деб таърифлайди. Бу таъриф асосида куйидаги илмий тамойилларни курсатиш мумкин:

ПТ ўкувчи (талаба) ларда маълум ижтимоий тажриба элементларини шакллантириш учун лойихаланади;

Лойихаланган тайёр технологияни амалга ошириш фан ўкитувчисидан катта маҳорат талаб этмайди; Якуний натижа, албатта, кафолатланади.

ПТ моҳиятини аниклашга каратилган таърифларнинг хилма хиллиги ривожланган мамла-катларда бу масалани у ёки бу даражада хал этилганлигини курсатса, иккинчи томондан ПТни амалиётга жорий этишга булган уринишлар натижасини ифодалайди.

ПТ тугрисидаги тушунчаларни ривожланиш тарихи нуктаи назардан каралган, ПТ назарияси ва амалиётини бир бирига бөгликтөр булмаган холда талкин этилганлигини курамиз. Натижада укитиш жараёнини такомиллаштиришга ёки ўкувчиларнинг билим фаолиятини ривожлантиришга каратилган у ёки бу илгор методикалар технология

даражасига кутарила олмай аста секинлик билан уз мавкеини йукотиб педагогик назариясидан узоклашиб борган. Масалан 60-йилларда катта шовшувга сабаб булган “Дастурли таълим” ёки 70-80-йиллардаги “шаталовчилик харакати” кабилар.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги педагогик соҳа мутахасисларининг илмий салохияти ПТ моҳиятини очиб беришга етади. ПТ ни педагогик фаннинг алоҳида тармоги сифатида ёки факат таълим амалиётини макбуллаштиришга йуналтирилган таълим йуналиши деб караш хам макул эмас. *ПТ бу соҳадаги назарий ва амалий изланишларни бирлаштириши доирасидаги фаолиятини акс эттиради.*

ПТ га “янги” сузини кушиб кулланилиши-бу таълим-тарбия жараёнини лойихалашга эскича ёндашиш мумкин эмаслигини курсатади. Демак, савол туғилади “янги ПТ” нимани англатади? Шахсни шакллантириш максадини аник белгилаб олади ва шунга мос холда маълум педагогик тизим (мактаб, коллеж, олий ўкув юрти) мавжуд булади. Бу тизимга узлуксиз равишда ижтимоий буюртма уз таъсирини ва таълим - тарбия максадини умумий холда белгилаб беради. “Максад” эса уз навбатида педагогик тизимнинг колган элементларини янгилаш заруратини келтириб чикаради.

Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури таълим-тарбиянинг максадини янги йуналишга буради: “утмишдан колган мафкуравий карашлар ва сакитлар дан тула холос булган, ривожланган демократик давлат даражасида юксак маънавий ва ахлокий талабаларга жавоб берадиган юкори малакали кадрлар тайёрлаш”- деб белгиланади. Демак, таълим - тарбиянинг максади бутунлай янгиланади, унга мос холда мазмун хам, педагогик жараён хам янгиланиш руй бермокда, бундай янги технологиялар кириб келмокда. Янги методикаларни талаб этадиган ва унга узининг маълум хусусиятларини жорий этадиган янги техникавий, ахборотли полиграфик, аудиовизуал воситалар мавжудки, улар янги ПТ ни реал вокеликка айлантиради.

ПТ мохият жихатидан бошка технологиялар билан бир сафда туради, чунки улар хам бошкалар катори уз хусусий соҳасига, методларига ва воситаларига эга, маълум “материал” билан иш куради. Бирок, ПТ инсон онги билан билимлар соҳаси сифатида мураккаб ва хаммага тушунарли булмаган педагогик жараён ифода этиш билан ишлаб чикариш, биологик, хатто ахборотли тарбия компонентларини мужассамлантиргандир. ПТ бошка соҳалардаги технологик жараёнлар билан узуликсиз бойиб боради ва анъанавий ўкув жараёнига, унинг самарасини оширишга таъсир курсатишнинг янги имкониятларини эгаллаб олади. Афсуски, бу жараён хозирги таълим тизимида жуда кийин кечяпти, хакикий компьютерли ПТ узининг илмий ишламасини кутяпди:“Компьюерларнинг шу кундаги кулланиши - экстенсивлик холос: анъанавий ўкув курслари шунчаки экран мониторига жойлаштириляпти”. Шу ерда ПТ ва ахборот технологияси уртасида узаро муносабатни ойдинлаштириш лозим булади. Кейинги вактларда баъзи бир олимлар (информатика соҳаси вакиллари) ПТ ни ахборотлаш-тиришга кушиш ёки тенглаштириш (баъзан устун куйиш) ни ёкламокдалар. Бу уринишлар тугри йул эмас. Ўкув-тарбия жараёнини технологиялаштириш тарихий (айникса XX аср иккинчи яримидан бошлаб) вокейлик ва жараёндир. Ахборотлаштириш бу жараёндаги инкилобий “бурилиш” унинг мухим боскичдир. Содда килиб айтилса, таълимда ахборот технологияси - бу “ўкувчи-компьютер” уртасидаги мулокотдир.

Ахборотли технология ПТ нинг таркибий кисми, техник воситаларнинг мукаммаллашган замо-навий тугри сифатида таълим жараёнида кулланила бошлади. Келажакда иктисадий муаммолар хал этилиб ўкув юртларида дастурли “машина” билан етарли даражада таъминланади. Шунидагина ахборотли технология асосида ўкувчи (талаба) ларнинг билиш фаолияти ташкил этиш ва бошқариш имкониятлари тугилади ва у Ўқитувчининг якин кумақдошига айланади ёки унинг функцияларини тулик бажаради.

Таълимни технологиялаштириш объектив жараён эканлигини замонавийлиги эса илмий-техник тараккиёт йуналиши билан белгиланиши тан олинган холда ПТ нинг узига хос томонлари ва якин келажакда у билан боғлик вазифаларни кўрсатиб ўтамиз ?

- 1) кўп боскичли таълим тизимида ПТ нинг урнини асослаш зарурий.
- 2) замонавий саноат, тиббий, иктисадиёт, эколо-гия каби технологиилар билан ПТ ларни мунтазам равишда янгилаб бориш ва табакалаштирилган ёндашув асосида уларни самарадорлик мезонларини аниклаш;
- 3) истикболли укитиш воситаларини яратиш ва уларга таянган хода илгор ПТ ларни лойихалаш, амалиётга жорий этиш, оммалаштириш ва аниклаш;
- 4) Тегишли бошқарув органлари (таълим марказлари) томонидан ўкув муассасалари фаолиятида янги ПТ ларни тадбик этиш даражасини назорат килиш ва баҳолаш;
- 5) Педагог- Ўқитувчиларни илгор педагогик ва ахборот технологиилари буйича билимлар тизими билан куроллантиришни узуликсиз ташкил этиш;
- 6) Булажак педагогик - укутувчиларга ПТ назарияси ва амалиёти буйича маҳсус курс ташкил этилиши ва укитиш;
- 7) Илгор Ўқитувчилар иш тажрибалари ва усулларини урганиб бориш, уларни яратган янги методикалари янги педагогик технология даражасига кутариш борасидаги ишларни амалга ошириш;
- 8) Ўқитувчи фаолияти педагогик технология, конунларига мослаштириш муаммолари ва бошкалар.

Педагогик технология ёрдамида таълим жараёнидаги хато, камчиликларни, мавжудлигини олдини олиш, максадни куя олиш, таълим жараёни педагогик технология сифатида караш, янгиликка, ижодга интилиш.

Шундай килиб, педагогик технология-таълим-тарбия жараёнини мажмуйини амалга ошириш техникасидир.

Сўнгги йилларда ўзбек олимлари томонидан ҳам таълим технологияси назариясига оид бир қатор мақола, рисола ва қўлланмалар яратилди.

Ҳусусан, педагог олим М.О. Очилов мазкур иборани “Педагогик технология - тизимли, технологик ёндашувлар асосида таълим шаклларини қулайлаштириш, натижасини кафолатлаш ва объектив баҳолаш учун инсон салоҳияти ҳамда техник воситаларнинг ўзаро таъсирини инобатга олиб, таълим мақсадларини ойдинлаштириб, ўқитиш ва билим ўзлаштириш жараёнларида қўлланадиган усул ва методлар мажмуидир” дея шарҳласа, Н.Саидаҳмедов эса қуйидагича: “Педагогик технология бу ўқитувчи (тарбиячи) томонидан ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчиларга таъсир кўрсатиш ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгилаб олинган шахс сифатларини шакллантириш жараёни”, - деган таърифни беради.

Ў.Толипов ва М.Усмонбоевалар эса «педагогик технология» тушунчанинг моҳиятини қуйидагича ифодалайдилар: “педагогик технология - бу муайян лойиҳа асосида ташкил этиладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳамда ушбу мақсаднинг натижаланишини кафолатловчи педагогик фаолият жараёнининг мазмунидир”.

Ў.К.Толипов ва М.Усмонбоевалар томонидан яратилган асарда педагогик технологиянинг назарий асосларини амалий педагогик фаолиятга татбиқ этиш масаласи ўрганилган. Шунингдек, хусусий фанларни ўқитиш жараёнига педагогик технологияларни татбиқ этишнинг амалий асосларини очиб беришга ҳаракат қилинган.

Файласуф олимлар Б.Зиёмуҳаммедов ва Ш.Абдуллаевалар томонидан яратилган “Педагогик технология: назария ва амалиёт” номли асарда “Маънавият асослари» дарсларини технологик ёндашув асосида ташкил этиш масалалари очиб берилган бўлиб, бу борадаги бир қатор ишланмалар китобхонларнинг эътиборига ҳавола этилган.

Юқорида билдирилган фикрларга таянган ҳолда шундай хulosага келишимиз мумкин:

1. Педагогик технология ва унинг моҳиятини ёритишга хизмат қилувчи манбаларнинг аксариятида ушбу ҳодисанинг назарий асослари батафсил очиб берилган.

2. Юқорида кўрсатиб ўтилган ишларнинг аксариятида “педагогик технология” нинг таърифи ҳам ёритиб берилган бўлса-да, бу соҳада ҳануз ягона бир таъриф яратилган эмас.

3. Мавжуд адабиётларнинг деярли барчасида асосий урғу таълим технологиялари уларнинг моҳияти ва афзалликлари каби масалаларнинг тадқиқига берилган бўлиб, тарбия технологиялари ва уларнинг моҳиятини очиб бериш борасида муайян ютуқларга эришилмаган.

4. Яратилган манбаларда узлуксиз таълим тизимининг маълум босқичида таълим муассасалари фаолиятини педагогик технологиялар асосида ташкил этиш (педагог олим Ў.Қ.Толипов томонидан олиб борилган тадқиқот иши бундан мустасно) муаммолари тадқиқ этилмаган.

5. Айни вақтда узлуксиз таълим тизимининг тизимининг муайян босқичида таълим муассасалари, шу жумладан, Чақиувга қадар бошланғич тайёргарлик бўлимларини педагогик технологиялар асосида ташкил этиш муаммоси долзарб педагогик муаммо сифатида тадқиқ этишга муҳтождир.⁵

Фани мақсадини аниқ ва пухта белгиланиши яхлит педагогик фаолият муваффақиятини таъминлашга пойdevor яратади. Чақиувга қадар

⁵ Соғлом авлодни шакллантиришда янги педагогик технологияларнинг ўрни. Тошкент вилояти ёш олимларининг II- илмий-амалий анжумани мат. - Т: ТВХТҲМОИ, 2002. - 76 б.

бошланғич тайёргарлик ўқув бўлимларининг мақсади ДТС, ўқув режаси ва дастури, шунингдек, дарслик ва қўлланмалар мазмунидаги ўз ифодасини топган маълум мавзулар ҳамда ўқув фанининг ўзига хос жиҳатлари, ўқувчиларнинг ёши, психологик хусусиятлари, эҳтиёж, қизиқишлари, педагогларнинг билими, касб маҳорати, ижодий лаёқати педагогик вазиятларни инобатга олиш асосида белгиланади.⁶

⁶ Сайдахмедов Н. Янги педагогик технологиялар. -Т.: Молия, 2003. 171 б.

1.2. Ҷақирувга қадар бошлангич тайёргарлик жараёнига педагогик имкониятларнинг қўлланилиши ва мезонлари, педагогик технологияларни тадбиқ этишининг мавжуд ҳолати.

Ҳар бир ўқитувчи етарлича психологик билимга эга бўлиши (касб психологиясини эгаллаши) лозим. Ҳар қандай ўқитувчи бу маълум даражадаги методистидир. Шунинг учун психолог ва методистнинг ўзаро боғлиқлик фаолиятига тўхталиб ўтишимиз мақсадга мувофиқдир.

Психология ва методика. Ҳар бир ўқитувчи (лектор) ўқитилаётган материални осонроқ соддароқ баён қилишга ҳаракат қиласди. Сўнг, ўкувчи назарий, билимини мустаҳкамлаши лозим. Амалий дарслар, семинарларда ва уйда дарс тайёрлаб мустақил ишлар бажариб, ўрганаётган материални яхшироқ, чуқурроқ тушуниши мақсад қилиб қўйилади. Бунда ўрганилаётган назарий ва амалий материални ҳаётда қўллашни талаб даражасида ўргатиш назарда тутилади. Агар бу келтирилган усулни қисмларга бўлсак, бунинг ҳар бир бўлаги алоҳида мураккаб фаолият бўлиб, жами бир мураккаб фаолиятни ташкил этади. Бу фаолиятнинг **ўзига хос муаммолари бор**. Бу ерда лекциялар, амалий машғулотлар, семинарлар, лабаратория, мустақил ишлар, коллоквиум, синовлар, имтихонлар, ўкувчининг дарсликлар ва адабиётлар билан ишлаши рейтинг-синов ишлари каби фаолиятлар ўкувчи ва ўқитувчи орасида жами мураккаб комплекс мулоқотларни вужудга келтиради. Бу жараён мураккаб бўлиб, жуда кўп факторлар билан боғланган. Натижа ҳам, бу факторларни моҳиятини тушуниш ва шунга яраша тадбирлар белгилашга боғлик.

Субъектив ва объектив факторлар йиғилиб, таълим ва тарбияни тақдирини ҳал қиласди. Инсоннинг имкониятлари унинг мантиқий фикрлаш даражаси, ҳамма вақт ўзгариб туради. Чунки булар психологик факторлар билан боғлиқдир.

Педагогик хулоса: таълим ўз олдига мувоффақиятли ўзлаштириш мақсадини қўяди. Таълим ўкувчиларнинг фикрлашлари билан боғлик бўлган

барча психологик факторларни инкор қила олмайди. Демак, таълим ўз олдига ўзи учун қулай шароит яратиш зарур. Таълимда барча ёрдам берувчи ва ҳалақит берувчи факторлар ҳисобга олиниши лозим.

Энди психолог ва методистнинг таълимга ёндашуви ҳақида бир неча фикр келтирайлик.

Психологлар инсонни (фикрлаши) ўқув жараёнида фикрлаш ҳолатлари, операциялари қизиқтириб, бу жараённи майда бўлакларга бўлиб ўрганишади (ҳакам сингари).

Методистлар эса бу тушунча ва операцияларни бир бутун «организм» - сифатида қарашади. Чунки таълим жараёнида бу бир бутундир, уларни ажратиб бўлмайди. Бу организмни самарали ишлашини таъминлаш лозим.

Психологлар таълим жараёнида мураккаб фикрларни содда (элементар) бўлакларга бўлишади. Ҳар бир бўлакни ўрганиш қулай. Демак, дарс жараёни бўлакларга бўлинади.

Методист эса шу дарсни майда бўлакларига муносабатни ўйлаши керак. Ўқувчи масалани ечаётганда, нималарни ўйляяпти, нималар ҳақида фикр юритаяпти деган саволлар уни қизиқтиради.

Психолог эса, ўқувчи айнан нимани ўйляяпти, қандай таҳлил қилиши қизиқтиради. Масалан ўқувчи масалани шартини ўқийди. Ўқувчи масала шартини қандай тушунгани, қандай қабул қилгани қизиқтиради. Сўнг нима иш қиласи? Нимани ўйлайди? Кейинги этапларда масалани қандай ишлайди? Масала ечишда анализ ва синтез операциялари қандай бажарилади? каби саволларга жавоб излайди.

Методист таълим жараёнидаги содда жараёнларни ёки ўз-ўзида маълум бўлган жараёнларни кўпинча ҳал бўлган, деб ҳисоблайди ёки ташлайди ҳисобга олмайди. Амалда эса бу муҳим ва мashaққатли меҳнатни талаб қилувчи жараёнлардир. Табиийки бу таълимда катта рол ўйнайди. Психолог эса бундай қилмайди.

Шундай қилиб, **психолог ва методист ҳамкорликда ишлаши мақсадга мувофиқдир**. Ўқитувчи шунинг учун етарли психологик билимга эга бўлиши керак. Вазифаларни ўқувчи бажара олиши, вақт бюджети, қўлланмалардан фойдаланила олиши, ўзлаштириш даражаси, вазифанинг материалнинг ривожланиш даражаси, баҳолаш мезони, рағбатлантириш, мустақил ишлар, мотивация муаммолари, уйга берилган вазифаларни сўраш, дарсни мустаҳкамлаш ва ҳоказолар. Методистнинг психолог билан ҳамкорлиги албатта зарур.

Психолог ўқувчига ўз ҳатосини тўзатишни билишга ёрдам беради. Келгусида бу хатони такрорламасликка ҳаракат қилишни таъкидлайди.

Ўқитишини оптималлаштиришнинг қуйидаги икки мезони мавжуд:

1. Ҳозирги шароитда ўқув жараёнини оптималлаштиришнинг биринчи мезони сифатида ўзлаштириш, тарбиялаш, ва ривожлантириш жараёнида ҳар бир ўқувчининг реал имконияти даражасидаги ютуқларни қабул қилинган баҳолаш нормаларига мувофиқ, қониқарли баҳодан кам бўлмаган ҳолда ҳисоблашни олиш мумкин.
2. Машғулотларга ва уйга вазифа учун ажратилган вақт меъёрига ўқувчи ва ўқитувчи томонидан қатъий риоя қилиниши ўқув жараёнини оптималлаштиришнинг иккинчи мезони сифатида қаралади.

Ўқитишининг педагогик имкониятлари бўйича олиб борилган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатдики, турли олимларнинг ёндашувлари натижасида ўқитишининг асосий педагогик имкониятларини аниқлашда қуйидаги тўхтамга келинган:

1. Дарс беришни оптималлаштиришнинг биринчи усули ўқувчиларнинг таълимий, тарбиявий ва ривожлантирувчи вазифаларини комплекс режалаштириш ва аниқлаштириш ҳисобланади.

Юқорида баён қилинган мезонлардан қўриниб турибдики, агар барча вазифалар комплекс тарзида ишланган бўлса, ўқув фаолияти тез ва

муваффакиятли ўтади. Агар ўқитувчи дарс жараёнида фақат таълимий мақсадга кўпроқ эътибор бериб, тарбиявий ва ривожлантирувчи мақсадга эътибор бермаса у ҳолда дарс самарадорлиги паст бўлади. Мақсадлар комплекс ишлаб чиқилган, барча мақсад бир вақтнинг ўзида, қўшимча вақт ажратилмасдан ҳал этилиши зарур.

2. Дарс беришни оптималлаштиришнинг иккинчи усули таълим вазифаларининг асосий мазмунга мувофиқлиги, дарс мазмунидаги асосий бош моҳиятнинг ажратилишига боғлиқ.

Оптималлаштиришнинг бу усули ҳар қандай шароитда бош моҳиятни, бўғинни ажратиш зарурлиги ҳақидаги методологияга суюнади. Амалиётдан маълумки кўпчилик ўқитувчилар дарснинг энг асосий, бош моҳиятига (мазмунига) эътибор бермайди, уни ажратиб кўрсатмайди. Кўп вақтларини бошқа, иккинчи даражали мисолларга сарфлайди. Дидактика худди шу камчиликни бартараф қилишга ёрдам беради. Ўқитувчи дарсни режалаштиришда янги илмий маълумот фақат оммавий усулда маълумот сифатида берибгина қолмай, шу маълумотнинг асосий, бош моҳиятини тушунтириши лозим, зарур бўлганда уни қўллашни, таҳлил қилишни ўргатиш керак. Бу ўқувчида ўз фикрини баён қилиш, рационализаторлик характеристи, мулоҳаза юритиш, ўз-ўзини назорат қила билиш ҳислатларини ўйғотади.

3. Дарс беришни оптималлаштиришнинг учинчи усули дарснинг энг маъқул, муваффакиятли тизимини танлаш жараёнини таҳмин қиласи: савол-жавобнинг кетма-кетлиги, янги мавзуни ўзлаштириш, машқлар бажариш, мустаҳкамлаш, уйга вазифа, умумлаштириш ва бошқалар.

Бу усул ўқув жараёнида кетма-кетлик ва оптимал тизимнинг таъминоти принципига суюнади.

4. Дарс беришни оптималлаштиришнинг тўртинчи усули аниқ бир таълим-тарбиявий вазифаларни бажариш учун педагог томонидан энг

рационал методларни ва ўқитиши усулларини онгли равища танлаш ҳисобланади.

Бу усул ўқитиши усулларининг бир-бирига оптимал бирикишини талаб этадиган дидактик принципдан келиб чиқади. Бунинг учун ўқитувчи ҳар бир методнинг имкониятини пухта билиши лозим.

5. Дарс беришни оптималлаштиришнинг бешинчи усули, кўпчилик педагоглар томонидан аҳамияти тан олинган, ўқитишининг умумсинфий, грухли ва индивидуал шаклларини оптимал бирлаштиришни таҳлил қиласиган ўқувчига дифференциал ва индивидуал ёндошиш ҳисобланади.

Оптималлаштиришнинг бу усули дидактиканинг принципларига мувофиқ талабларни бажаришга йўналтирилган. Ўқувчиларга дифференциал ёндашиш уларнинг билим савиясига, хотирасига, ён-атрофни қабул қилиш хусусиятига, фикр юритишига асосланади. Бу ерда бир қатор қийинчиликлар мавжуд. Масалан, бир синф ичида бир неча грухчалар ташкил қилиш асосномаси, уларни танлаш муаммоси пайдо бўлади. Бизнинг назаримизда дифференциал ёндашув, бу ўқитувчи томонидан кўрсатиладиган ёрдамнинг дифференцияси бўлиши керак. Айрим ўқувчилар ўқитувчи ёрдамига муҳтоҷ, айримлари камроқ, яна бир грухи ёрдамга жуда кам эҳтиёж сезади. Ўқувчиларнинг имкониятлари ўсган сари, улар ёрдамга камроқ эҳтиёж сеза бошлайди.

6. Дарс беришни оптималлаштиришнинг олтинчи усули таълим жараёни учун қулай ўқув материаллари, мактаб гигиенаси, психологик ва эстетик шароитлар яратиш ҳисобланади.

Бу усул натижавий таълимнинг қонуниятлари ва принципларидан келиб чиқади.

7. Дарс беришни оптималлаштиришнинг еттинчи усули деб ўқитувчи ва ўқувчи вақтини тежаш бўйича маҳсус чораларни қўриш ва таълимнинг жадаллаштирувчи темпини танлаш ҳисобланади.

Юқорида қайд этилган оптималлаштиришнинг барча усулларини кўллашнинг ўзи вақтни тежаш воситасидир. Чунки, вазифаларни аниқ ва лўнда қўйиш, дарс мазмунининг бош, асосий моҳиятини ажратиб бериш, дифференциал ёндашув, методларни оптимал танлаш – буларнинг ҳаммаси таълим самарасига таъсир этиб, ўқитувчининг вақтини тежайди. Ортиқча вақт ажратишдан озод қиласди.

8. Дарс беришни оптималлаштиришнинг саккизинчи усули ўқитиши натижаларининг таҳлили ва оптималлашиш мезонларига мувофиқ ўқувчилар ва ўқитувчилар йўқотган вақтлари ҳисобланади.⁷

Бу усул ўқиши жараёнида олинган билим ва натижаларни таҳлил қилиш билан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2012 йил 28 майдаги “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими муассасасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора тадбирлар тўғрисида” ПҚ-1761-сонли қарорида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими маркази:таълим жараёнида илғор педагогик услуг ва технологиялари (“case study” услуби, лойихалар услуби, ҳамкорликда ўқитиши, “амалий ўйин”, интерфаол таълим услуби ва бошқалар), ахборот- коммуникация технологиялари, электрон таълим ресурслари ва мультимедиа тақдимотларидан фойдаланиш борасида чет эл тажрибасини чукур ва ҳар томонлама ўрганиб чиқиши;чет эл тажрибасини инобатга олган ҳолда, қасб-хунар коллежлари ва академик лицейлар учун янги ўқув режалари ва дастурларини қайтадан ишлаб чиқсиш ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлаб, уларда анъанавий мактаб таълими услубларидан воз кечиб, амалий машғулотлар ва ишлаб чиқариш амалиёти бўйича соатлар кўпайтирилишини назарда тутилиши, педагогик вазифанинг

⁷ Муслимов Н.А., Абдуллаева қ.М. Ўқитувчининг қасбий тикланиш омиллари. //Ж. Узлуксиз таълим. 2005. -№2.

умумийлик даражасига қарамай умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимида чақиравга қадар бошланғич тайёргарликни илмий асосланган тизимини такомиллаштириш асосий муаммо сифатида қаралмоқда.

А.Сотволдиевнинг “Чақиравга қадар чақиравга қадар бошланғич тайёргарликни ташкил этиш ва унинг методикаси” ўқув қўлланмасининг I-II қисмда таълим муассасаларида ёшларни чақиравга қадар бошланғич тайёргарлик фанини ташкил этилишининг хуқуқий асосларини ва унинг тартиб қоидаларини ҳозирги кун талаблари асосида ёритилган ўқув материалларни, шунингдек, ёшларни чақиравга қадар бошланғич тайёргарлиги фанини олиб боришининг асосий шакл ва услубларини,унинг ташкилий асосларини ва таълим муассасаларининг ёшларни чақиравга қадар бошланғич тайёргарлиги фани бўйича ўқув дастури бўйича машғулотларни олиб бориш учун ҳозирги кун талаблари асосида ишлаб чиқилган услубий ёндашувлар баён этилган.

Бироқ мазкур ўқув қўлланмада чақиравга қадар бошланғич тайёргарликни ташкилий ва хуқуқий жиҳатлари ҳамда унинг методикаси ёритилганлигига қарамай, айрим технологик ёндошувга оид масалалар батафсилликни қамраб олмаган. Улар қуидагиларда номоён бўлади:

- чақиравга қадар бошланғич тайёргарлик фанининг “Фуқаро муҳофазаси”, ва “Тиббий билим асослари” ўқув бўлимларини ташкил этилиши ва методикасининг методик ишланмаларини мавжуд эмаслиги;
- методик ишланмалари мавжуд бўлган ўқув бўлимлари ҳам асосан анъанавий ёндашувга асосланганлиги;
- технологик ёндашувлар асосида тайёrlанган ишланмалар ҳам чақиравга қадар бошланғич тайёргарлик машғулотларини тўлиқ қамраб олмаган;
- чақиравга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқув бўлимларининг амалий машғулотларида ҳамкорликда ишлаш усулига доир кўрсатмаларда батафсиллик мавжуд эмас.

А.Сотволдиевнинг “Чақиравга қадар бошланғич тайёргарлик” фанини касбий соҳаларга йўналтириб ўқитиши методикаси” (ўрта махсус, касб-хунар

таълими чақириққача тайёрлаш ўқитувчилари учун) номли методик қўлланмасида Чакирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқув машғулотларини ўзига хос томонларини ёрутувчи маълумотлар мавжуд бўлиб бунда педагогик технологиялардан фойдаланиш бўйича тавсилар берилган.

А.Сотволдиевнинг “Ҳарбий таълимда кейс стадини адаптациялашнинг айрим масалалари” (ПЕДАГОГИКА илмий -назарий ва методик журнали 2/2017.61-71 бетлар) номли илмий мақоласида ҳарбий таълим жараёнида кейс стадини қўллаш, уни ҳарбий таълим учун мослаштириш ва шу орқали ўқув жараёнининг самарадорлигини ошириш масалалари ёритилган.

Ф.Қ. Мухаммадиевнинг магистрлик диссертациясида (2014 й) Педагогик олийгоҳлари ҳарбий кафедраларида “Фуқаро муҳофазаси” фани таълимини технологиялаштириш йўлларини назарий методологи жиҳатдан асослаб, машғулотларда “Кейс стади” услубини жорий этишга қаратилган педагогик технология, унинг хусусиятлари, интерфаол метод, асосида ўқитиши методикасига доир ўқув методик кўрсатмалар мавжуд.

Булардан ташқари ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларининг чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчилари малакасини ошириш курси намунавий ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган Тошкент Давлат педагогика университети қошидаги ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизими педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш факультети тингловчиларига мўлжалланган “Чакирувга қадар бошланғич тайёргарлик фанини ўқитишнинг замонавий технологиялари ” модули бўйича ишлаб чиқилган ишчи дастури таҳлил қилинди. Бунда модулнинг мақсади, тингловчиларнинг ўқув машғулотлари учун зарур бўлган илғор технологиялар ва янгиликларни ўрганиш ва уларни амалиётга жорий этиш методикаси бўйича билим ҳамда кўникмаларини шакллантириш ва кутилаётган натижалар Тингловчилар ушбу модулни ўзлаштириш жараёнида

куйидаги билим ва күнікмаларга эга қилишдан иборат эканлиги қайд этилган.⁸

Лекин, “Чақиравгы қадар бошланғич тайёргарлик фанини ўқитишининг замонавий технологиялари” модули бўйича курсни тамомлаган “Чақиравгы қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчиларининг курсни тамомлагандан кейинги фаолиятида ҳам чақиравгы қадар бошланғич тайёргарликнинг ўкув машғулотларида фанни ўқитишининг замонавий технологияларини қўллаш бобида юқори натижалар кузатилганича йўқ.

Дастур ва адабиётларни таҳлил қилиш жараёнида маълум бўлдики, умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида чақиравгы қадар бошланғич тайёргарликни ўқитишининг ҳамкорликда ишлаш усули бўйича умумий методик тавсиялар мавжуд бўлсада, фанинг назарий ва амалий машғулотларини ташкил этиш ва олиб борища ўқитишининг ҳамкорликда ишлаш усулидан фойдаланишга доир мукаммал технологик ёндошувларнинг мавжуд эмаслиги маълум бўлди.

Шунга кўра чақиравгы қадар бошланғич тайёргарлик ўқитувчилари учун чақиравгы қадар бошланғич тайёргарлик фанини ўқитишида замонавий технологиялардан фойдаланишга доир мукаммал ўкув қўлланма ишлаб чиқиши зарурияти туғилганлиги маълум бўлди.

Бинобарин чақиравгы қадар бошланғич тайёргарлик жараёнининг асосий субъекти ва раҳбари бўлган ЧҚБТ раҳбарларнинг педагогик технологиялар моҳиятини англаши, улардан педагогик фаолиятни амалга оширишда самарали фойдаланиши борасидаги қўнікмаларни ҳосил қилиш лозим бўлади. Шунинг учун ҳам тадқиқот ишимизнинг тажриба-синов ишлари жараёнида чақиравгы қадар бошланғич тайёргарлик фани ЧҚБТ раҳбарлари

⁸ “Чақиравгы қадар бошланғич тайёргарлик фанини ўқитишининг замонавий технологиялари” модули бўйича ишчи дастур. 2018 й. Таълим тури: Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш

орасида ўқув фаолиятида амалга ошириладиган тарбия жараёнини педагогик технологиялар асосида ташкил этишга йўналтирилган тадбирларнинг ўрин олишига алоҳида эътибор бердик.

Тарбия жараёнига педагогик технологияларни татбиқ этиш чақиравга қадар бошланғич тайёргарлик фани ЧҚБТ раҳбарларининг машғулотларни ташкил этишга нисбатан технологик ёндашувдан иборат бўлиб, мазкур ишлар мазмунини шакллантириш бир қадар мураккаб жараёндир. Чакиравга қадар бошланғич тайёргарликда чақириққача бўлган ўқувчи-ёшларга муайян ўқув фани тўғрисида маълумотларни беришда вақт ҳажми қатъий белгилаб кўйилган, бундай ҳолат ўқув фаолиятини технологик ёндашув асосида ташкил этишни бирқадар барқарорлаштиришга имкон берса, тарбия жараёнига нисбатан бунга эришиш мураккаброқдир. Чакиравга қадар бошланғич тайёргарликнинг муайян босқичларида чақириққача бўлган ўқувчи-ёшларда бир қатор шахсий сифатлар шакллантирилади. Уларни бойитиш эса шахс тарбиясини узлуксиз давом эттиришни талаб қиласди. Бунда бевосита ўқув жараёни ҳамда синфдан ташқари тарбиявий ишлардан самарали фойдаланиш талаб этилади.

Чакиравга қадар бошланғич тайёргарликни педагогик технологиялар асосида ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад - тарбия жараёнининг асосий субъектлари бўлган ЧҚБТ раҳбари ҳамда чақириққача бўлган ўқувчи-ёшлар ўртасида юзага келувчи мулоқотнинг самарали бўлиши бу тизимнинг янгича мазмун касб этишига эришишдан иборат. Тадқиқот ишимизни амалга ошириш жараёнида олиб борилган тажриба-синов ишларидан чакиравга қадар бошланғич тайёргарликни педагогик технологиялар асосида ташкил этиш, бу борада аҳамият берилиши лозим бўлган шартлар хусусида ЧҚБТ раҳбарларини хабардор этишга ёрдам берадиган тадбирларнинг ўрин олишига алоҳида эътибор берилди. Мазкур тадбирлар воситасида қуйидаги вазифаларнинг ижобий ҳал этилиши назарда тутилди:

1. Чакиравга қадар бошланғич тайёргарлик фани ЧҚБТ раҳбарлари тарбия жараёнини педагогик технологиялар асосида ташкил этиш борасидаги

назарий-амалий билимларини ўзлаштиришлари учун муайян шарт-шароит яратиш.

2. Чақи्रувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ЧҚБТ раҳбарларига таълим жараёнини педагогик технологиялар асосида ташкил этиш ва унинг ўзига хос жиҳатлари хусусида маълумот бериш.

3. Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ЧҚБТ раҳбарларида таълим жараёнини педагогик технологиялар асосида ташкил этиш борасидаги назарий билимларни ҳосил қилиш.

4. Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ЧҚБТ раҳбарларида педагогик технологиялар асосида таълим жараёнини ташкил этиш борасидаги назарий билимларининг амалий кўникма ва малакага айланишига эришиш.

5. Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик таълимини ЧҚБТ раҳбарларида тарбия жараёнини технологик ёндашув асосида ташкил этишга нисбатан рағбатни юзага келтириш.

6. Чақириққача ҳарбий таълимни ЧҚБТ раҳбарларида тарбия жараёнини ташкил этишга нисбатан ижодий ёндашувни қарор топтириш, маҳоратини ошириш.

Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик таълимини ЧҚБТ раҳбарларида таълим жараёнини ташкил этишга нисбатан технологик ёндашувни қарор топтиришга эришиш мураккаб жараён бўлиб, ушбу жараённинг самарали кечиши уларнинг мутахассислик фанлари асосларини чукур ўзлаштирганликлари, фанлараро алоқадорликни, шунингдек, жамият ҳаётида рўй бераётган ўзгаришларнинг моҳияти ва давр талабини англай олишлари, таълим ва тарбиявий ишларни ташкил этиш тажрибасига эгаликлари, таълим - тарбия жараёнини ташкил этишдан қўзланган мақсаднинг ғоявий жиҳатларини таҳлил эта олишларига боғлиқ.

Тадқиқот ишимизни амалга ошириш жараёнида олиб борилган тажрибасинов ишлари қўйидаги тамойилларга асосланган ҳолда ҳам мақсадга мувофиқдир:

1. Чақи्रувга қадар бошланғич тайёргарлик таълимида амалга ошириладиган таълим жараёнини ҳамкорликда ишлаш усули асосида ташкил этиш ЧҚБТ раҳбари олдида турган долзарб масала сифатида эътироф этилишига эришиш.

2. Чақи्रувга қадар бошланғич тайёргарлик таълимини ҳамкорликда ишлаш усули асосида ташкил этиш борасида мавжуд имкониятлардан фойдаланиш.

3. Чақи्रувга қадар бошланғич тайёргарлик таълимини ҳамкорликда ишлаш усули асосида ташкил этиш йўлида муайян шарт-шароитларни яратиш.

4. Уюштирилаётган тадбирларнинг самарадорлигин таъминлаш.

5. Тадбирларнинг машғулот самарадорлигини оширишга қаратилган ягона мақсадга йўналтириш.

6. Тадбирларни ташкил этишда уларнинг узлуксиз, тизимли ва изчил бўлишини таъминлаш.

7. Тадбирлар жараёнида ҳар бир ЧҚБТ раҳбарининг ички имкониятларини инобатга олиш, уларнинг педагогик тажриба ва касбий маҳоратларига таяниш.

8. Тадбирларни уюштиришда таълим муассасаси фаолиятини ҳамкорликда ишлаш усули асосида ташкил этиш борасида республика миқёсида, шунингдек, хорижий мамлакатларда қўлга киритилган тажрибалардан фойдаланиш.

9. Тадбирларни ўтказишдан кўзланган мақсаднинг натижаланишига эришиш.

Тажриба-синов ишларини олиб бориш жараёнида таълимни ҳамкорликда ишлаш усули асосида ташкил этишга йўналтирилган тадбирларнинг қуидаги шакл, метод ва воситалар ёрдамида уюштирилиши кутилган натижани қўлга киритиш учун имкон яратиши аниқланди:

а) тадбирлар шакллари - назарий, амалий, кўргазмали, тактик, тактиф саф ва назорат машғулотлари;

б) машғулотлар самарасини таъминловчи методлар - тушунтириш, ҳикоя қилиш, кўргазмалилик ва бошқи методлар билан ишлаш, машқ қилиш, рағбатлантириш, жазолаш ва ҳоказолар;

в) машғулотлар самарадорлигини оширишда қўлланган воситалар-манбалар (ўқув дастури, қўлланма ва дарсликлар), кўргазмали, техник ҳамда ахборот воситалари (радио, телевидение, матбуот воситалари-газета ва журналлар), нутқ, педагогик тажриба, ёш ўқитувчиларнинг фаолияти ва бошқалар.

Ўқитувчиларнинг чақиравга қадар бошланғич тайёргарлик таълимида уларнинг билим ҳамкорликда ишлаш усулидан фойдаланиши қай даражада эканлигини аниқлаш мақсадида биз дастлаб мазкур фаннинг ўқитилишини ва ўқув-ёшларнинг билим даражасини ўрганиш мақсадида дастлабки тажрибасинов ишларини ташкил этдик.

Тажриба-синов ишлари жараёнида чақиравга қадар бошланғич тайёргарлик фани ЧҚБТ раҳбарларининг мавжуд шароитда ўқув машғулотларини қандай омилларга таянган ҳолда олиб бораётганликлари ва уларнинг самарадорлиги қай даражада эканлигини ўрганишга ҳаракат қилдик. Натижада қуйидаги кўрсатгичларни аниқлашга муваффақ бўлдик (2.2.1-жадвал):

2.2.1-жадвал. Чақиравга қадар бошланғич тайёргарлик машғулотларини анъянавий усуллар билан ташкил этиш ва ўтказиш (% хисобида)

Омиллар	Тажриба гурухи		Назорат гурухи	
	n ₁ x80	n ₂ x80	Ижобий	Салбий

Кўйилган мақсаднинг аниқлиги	27	73	26	74
Яратилган шароитлар (кўргазмали, техник ва ахборот воситалари) нинг мавжудлиги	37	63	42	58
Таълим жараёни субъектлари имкониятларининг маълум мақсадга йўналтирилганлиги	43	57	26	74
Чакириққача бўлган ўкувчи-ёшлари имкониятларининг инобатга олинганлиги	41	59	23	77
ЧҚБТ раҳбарининг педагог маҳорати	55	45	63	37
Машғулотнинг мавзуси ва мазмуни	57	43	62	38
Машғулотнинг самарали шакл ва методлар ёрдамида ташкил этилганлиги	58	42	54	46
Машғулотнинг анъанавий ёндашув асосида уюштирилганлиги	21	79	14	86
Машғулот натижаларининг доимий равишда таҳлил этиб борилиши	23	77	15	85
Машғулотда фаол иштирокчиларининг рағбатлантирилиб борилиши	45	55	34	66

Респондент ЧҚБТ раҳбарлари ўртасида сўров ташкил этилиб, таълим самарадорлигини тъминловчи омиллар ва уларнинг даражаси аниқланди.

Натижада анъанавий тарзда ўтказилган ўтказилган машғулотларни оқловчи респондентлар кўпчилик (58%) ни ташкил қилди.

Сўровнома натижасига кўра анъанавий тарзда ўтказилган ўтказилган машғулотларни оқловчи респондентлар фоизининг кўплиги қуйидаги омилларга кўра ифодаланди:

ЧҚБТ машғулотларини олиб бориш учун яратилган шароитлар (кўргазмали, техник ва ахборот воситалар) билан тўлиқ таминланмаганлиги;

ЧҚБТ раҳбарларининг таълим технологиялаштиришга доир билим, кўнишка ва малакаларининг етишмаслиги;

ЧҚБТ ўқитувчилари учун учун туман (вилоят, шахар) миқёсида ўтказиладиган семинарда таълим технологиялаштиришга доир масалаларни кўрилиши ва уларни оммалаштириш ишларининг сустлиги;

Айнан ЧҚБТ таълимини технологиялаштиришга доир ўқув ва методик кўлланмаларнинг мавжуд эмаслиги;

Туман (вилоят, шахар) таълим муассасалари бошқармаларида соҳани кодрдинацион маркази (ЧҚБТ методисти) штатининг мавжуд эмаслиги, натижада илгор тажрибиларни тарғибот ва оммалаштириш ишларини деярли олиб борилмаслиги.

П-БОБ. ЧАҚИРУВГА ҚАДАР БОШЛАНҒИЧ ТАЙЁР ГАРЛИК ЖАРАЁНИГА “ҲАМКОРЛИКДА ИШЛАШ” УСУЛИНИ ТАТБИҚ ЭТИЛИШИННИГ МАЗМУНИ.

2.1. Таълимда ўргатувчи ва ўрганувчи фаолиятлари уйғунлашуви.

Илгор педагогик технологиянинг марказида таълим жараённинг раҳбари хамда шу жараённинг субъекти хам обьекти булган Ўқитувчи ва ўкувчи туради. Шундай экан, бу икки шахснинг ҳамкорлиги, узаро мулокати, бир - бирига курсатадиган таъсири энг замонавий ва миллий талаблар асосида ташкил топиши керак. Бунинг учун биринчи навбатда, Ўқитувчи таълим - тарбия жараёни олдига куйилган талаблар, таълимни ташкил этиш ва бошкариш тамойиллари хамда йуллари, ўкувчини аклий ва жисмоний жихатдан ривожлантириш усуллари, у билан ҳамкорлик килиш, уни укишга, урганишга йуналтириш, ўкувчи шахси фаолиятини тугри ташкил этиш, улар билан мулокатта киришиш, муоаммо ва келишмовчиликларни бартараф этиш, синфда ижодий, ишchan мухитни вужудга келтириш, ўкувчи фаолиятини аник ва тугри баҳолаш методлари билан куролланган булиши лозим.

Ўқитувчининг самарали фаолияти курсатишига йуналтирилган, дарснинг методик ишланмасидан фаркли уларок, таълимнинг педагогик технологияси таълим олувчиларга йуналтирилган булиб, болаларнинг шахсий хамда Ўқитувчи билан биргаликдаги фаолиятини хисобга олган холда, ўкув материалларини узлаштиришга каратилган булади. Педагогик технологиянинг марказий муаммоси ўкувчи шахсини ривожлантириш оркали таълим максадига эришишни таъминлашдан иборат.

Педагогик технологиянинг тамойиллари куйдагилардан иборат: кафолатланган якуний натижа, таълимнинг махсулдорлиги, тескари алоканинг мавжудлиги, таълим максадининг аник шакилланганлиги.

У ёки бу педагогик технологияни танлаш, режалаштирилган дарс ва машгулотда кайси даражадаги билим ва куникмаларни узлаштириш назарда тутилганлигига боғлиқдир. Педагогик технология доирасида янги ўкув материалини узлаштиришнинг бошлангич, алгоритмик, эвристик, ижодий характердаги даражалари мавжуд.

Бошлангич характердаги даража-ўкувчининг эшитганлари, уларга берилган намуналар, тақдим этилган алгоритм ва курсатмалар асосида топширикларни бажариш куникмасини ифодалайди.

Алгоритмик характердаги даража-билим ва куникмалар мазмунини тадбик кила олиш маҳорати, бир типдаги масалаларни еча олиш, ёзиб олиш ва эслаб колиш фаолиятини амалга ошириш куникмасини ифодалайди.

Эвристик характердаги даража-такдим этилган ўкув масалаларини ечиш йулларини излаш хамда бу муаммоларни ечиш учун янги ахборотларни мустакил таризда излаб топиш куникмасига эга булиш билан характерланади.

Ижодий характердаги даража-ўкув материалини, шунингдек, илгари узлашритилган билим ва куникмаларни турли холатларда тадбик эта олиш маҳорати билан характерланади.

Бошлангич ва алгоритм характердаги даражалар репродуктив билим ва куникмаларни талаб килади. Узлаштиришнинг ушбу даражалардаги педагогик технологияларни ижрочи технология деб аташ мумкин.

Ўкув материалини эсда саклаб колишга ва куникмаларни хосил килишга йуналтирилган билим ва маҳоратлар даражаси ўкувчиларнинг репродуктив ва маҳсулдор фаолиятларни уйгунлаштиришни талаб килади.

Ўкув- билув фаолияти изланувчан, эвристик характер касб этганда, юкори даражадаги муаммоли, муаммоли ривожлантирувчи таълим методи, вазиятни тахлил килувчи топшириклар методи ишchan уйинлар, мустакил

ишлар, муаммоли характердаги топшириклардан фойдаланиш зарур. Бу эвристик технология деб аталади.

Ўкув омилларини яратишга асосланган педагогик технологияни тадбик этиш ва унинг максадига эришиш Ўқитувчининг педагогик маҳорати, мулокот маданияти, нуткининг тугрилиги коммуникатив маҳоратининг ўкувчиларга таъсири, педагогик техникани эгаллаганлик даражаси ва бу техникани бевосита дарсда қуллашга улгура олишга боғлиқдир. Ўқитувчининг ўкувчилар билан мулокати ижтимоий нуктаи назардан ўкувчи шахсига йуналтирилган булади. Мулокот гурухларга мулжалланган ёки якка шахсга йуналтирилган булиши хам мумкин.

Ўқитувчининг ўкувчи билан мулокати педагогик характердаги мулокот булиши, аник педагогик вазифани бажарилишига йуналтириши керак. Жумладан: оптимал, яхлит, кулай ўкув мухитини, руҳий вазиятни, ўкув фаолиятини оптималлаштириш, Ўқитувчи ва ўкувчилар орасидаги муносабатни ташкил этиш шунингдек, ўкувчилар жамоаси орасидаги муносабатни шакллантириш назарда тутилада.⁹

⁹ Янги педагогик технология. 2013 й. Маъruzalap matni. 2016 38-41 бетлар

2.2. Ҳамкорликда ишлаш тушунчаси, унинг афзаликлари ва ўқиши тамойиллари

Кичик гурухларда ҳамкорликда ўқитиш педагогик технологияси

Гурухларда ишлаш – бу ўқув топширигини ҳамкорликда бажариш учун ташкил этилган, ўқув жараёнида кичик гурухларда ишлашда (2 тадан – 8 тагача иштирокчи) фаол роль ўйнайдиган иштирокчиларга қаратилган таълимни ташкил этиш шаклидир. Бунда асосийси топширик – натижа эмас балки, гурух ичидаги ҳамкорлик жараёнидир.

Ҳамкорликдаги ўқиши тамойиллари

- гурухга битта топширик;
- битта рағбат: гурух барча иштирокчилари ҳамкорликдаги иш баҳоси (умумий натижага эришиш учун барча гурух аъзолари сарфлайдиган кучи баҳоланади) ва академик натижалари йиғиндисидан ташкил топган битта баҳо олади, яъни гурух (команда) муваффақияти ҳар бир иштирокчининг хиссасига боғлиқ;
- ҳар бирининг ўз муваффақияти ва гурухнинг бошқа аъзолари муваффақияти учун шахсий масъулияти;
- ҳамкорликдаги фаолият: гурухий музокара, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам бериш каби ўзаро ҳаракат усуллари асосида ташкил топади;
- муваффақиятга эришишда teng имкониятлар: ҳар бир ўқиётган ўз шахсий ютуғини такомиллаштириш, шахсий имкониятлари, қобилиятларидан келиб чиққан ҳолда ўқишига берилган бўлиши зарур, чунки у бошқалар билан teng баҳоланади.

I. босқич

Технологик ишлар

Таълим берувчи фаолияти

Кичик гурухларда ҳамкорликда ўқиши жараёнини ташкил этишининг технологик схемаси


Технологик ишлар

Таълим берувчи фаолияти

1. Гурухларда ҳамкорликда ўқишини ташкиллаштириш тайёргарлигини ўзи баҳолаши, таҳлил қилиши

Қўйидаги саволларга жавоб излайди:

- ✓ Нима учун мен таълим олувчилар гурухларда ишлашларини ҳоҳлайман? Мен бунга ўзим тайёрманми?
- ✓ Мен буни қандай амалга оширишни биламанми?
- ✓ Таълим олувчиларни ўзлари бунга тайёрмилар?
- ✓ Улар гурухли шакл шароитида таълим олиш қоидаларини биладиларми?




2. Мақсадни белгилаш

Таълимий мақсадни белгилайди ва натижаларни режалаштиради.




3. Гурухли ишга зарур бўлган ва ўқув режасида ажратилган вақт бўлгини ўзаро нисбати

Мавжуд ўқув режасига мувофиқ вақт бўлгини, белгиланган мақсад ва қўзланаётган натижаларга эришишни амалга ошириш учун муҳим бўлган вақт билан ўзаро боғлаш. Гурухли ишни ўтказиш мумкинлиги тўғрисида хулоса чиқаради.




4. Ўқув машғулотининг моделини танлаш

Энг яхши модел: 1) ўқув топширигини барча ўқув гурухларига тушунтириш, 2) кичик гурухларда, аввал алоҳида, сўнгра биргаликда ишни ташкиллаштириш, 3) гурух иши натижаларини тақдимоти ва уни жамоавий якунлаш.




5. Гурхлар иш жойини танлаш

Аудитория шундай бўлиши керакки, бунда бир-бирларига ҳалақит бермасдан, бир неча гурух ишлаши зарур. Столлар ва ўринидклари полга махкамланган аудитория тўғри келмайди.



6. Топшириқни танлаш ва уни ифодалаш

Таълимий мақсадга мос келувчи бир хил/табақалашган топширикларни танлайди. Уни таълим олувчиларнинг қобилияtlари, БМК даражаси ва хусусиятларидан келиб чиқиб ифодалайди. Бу эса барча гурух аъзоларини топшириқни бажаришда биргаликда иштирок этишини таъминлаш имконини беради.



Бир турдаги гурухли иши ўқув гурухлари учун бир турдаги топшириқ бажаришни назарда тутади.

Табақалашган гурухли иши гурухларда турли топширикларни бажаришни назарда тутади.

7. Ўқув материаллари ва
йўриқномаларни
тайёрлаш

Гурухлар учун қуйидагиларни тайёрлайди: ёзма
йўриқномалар: топшириқни ва уни бажариш
йўлини гуруҳ тушуниши буларга боғлик; фақат
йўриқномани тушуниши гуруҳ ичida самарали
ишни таъминлайди.



Йўриқномага талаб:


Фойириқнома қуйидаги хусусиятларда эга бўлиши керак:

- топшириқни аниқ ифодаланишини;
- кутилаётган натижаларга аниқ йўналтириш;
- тажрибада синалган бўлиши керак: бу йўриқномани аввал ўзи ёки ҳамкасбидан бажаришини илтимос қилиш керак;
- гуруҳ топшириқни мустақил бажариш учун бўйича тўла тавсияномалар бўлиши керак;
- ҳар бир таҳлим олуви учун тушунарли қилиб ёзилиши керак.

8. Таълим олувчиларни
ҳамкорликда ишлашга
тайёрлаш

(1) Ўқув гуруҳида хайриҳона муносабат мухитини яратади: фақат шунда улар ҳамкорий ишни самарали ва ижодий бажарадилар.


(2) таълим олувчилар топшириқларни гурухларда бажариш қоидасини билишлари ва йўналтирилган бўлишлари керак.



Гурухда ишлаш қоидалари:

- ҳар ким ўз ўртоқлари нутқини хушмуомалалик билан тинглаши зарур;
- ҳар ким фаол, биргаликда ишлаши, берилган топшириққа масъулиятли ёндашиши зарур;
- ҳар ким ёрдамга муҳтож бўлганда уни сўраши зарур;
- ҳар кимдан ёрдам сўралса, ёрдам қилиши зарур;
- ҳар ким гуруҳ иши натижаларини баҳолашда иштирок этиши зарур.
- ҳар ким аниқ тушуниши керак:
 - бошқаларга ёрдам бериб, ўзимиз тушунамиз!
 - биз битта кемадамиз: ёки бирга сузуб чиқамиз, ёки бирга чўкиб кетамиз!

9. Гурухларга бўлиш йўлини танлаш




Кичик гурухларга бирлаштириш йўлини танлайди. *Таълим олувчиларни ким гурухларга бўлишини аниклади.* Агарда бажариш учун турли топшириқлар берилса, улар гурухни ўз қизиқишилари бўйича танлашлари мумкин.

10. Гурух иш жойини тайёрлаш

Стол ва ўриндиқлар шундай жойлаштирладики, бунда:

- таълим бурувчи аудиторияда эркин харакатлана олсин;
- ҳар бир гурух аъзоси бир жойда бўлишлари ва бир-бирларини кўришлари ва эшлишилари керак;
- зарур ўкув қўлланмалар барчага этарли бўлиши керак.

Гурухларни жойлаштириш чизмаси




II. Асосий босқич

Технологик ишлар

Таълим берувчи фаолияти

1. Таълим олувчиларни гурухларга тақсимлаш

Танланган кичик гурухларга бирлаштириш йўли асосида таълим олувчиларни гурухларга бўлади



2. Ўқув топширикларни тарқатиш

(1) Билим орттиришлик вазифани (муаммоли вазиятни таклиф қиласди) белгилайди, таълим олувчилар билан биргаликда уни ечиш йўли ва тартибини муҳокама қиласди (амалиётда амалга ошириш).


(2) Иш якуни бўйича қандай натижалар кутулишини тушунтиради.

(3) Гурухларда ҳамкорликдаги фаолиятни тақдим этиш шаклини маълум қиласди. Ҳар бири ва бутун гурухнинг натижаларини баҳолаш мезонларини тушунтиради.

3. Ўқув топширикларни бажариш бўйича йўриқномани тушунтириш


(1) Гурухлар бўйича ишни бажариш учун зарур материалларни тарақатади. Топширикни бажаришда (керак бўлганда), қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради. (Гурухларда ишлаш қоидаларини эслатади).

(2) Ёзув тахтасида гурухли ишни бажариш бўйича йўриқномани ёзади ёки тарқатади.



4. Таълим олувчилар билан қайтар алоқани амалга ошириш

Таълим олувчилар билан гурухли ишни бажариш бўйича йўриқномани муҳокама қиласи, ҳаммалари уни тушунгандарига ишонч ҳосил қиласи.



5. Гурухларда ўқув топширикни бажариш жараёнини ташкил этиш

Ўқув топширикни бажариш бўйича ишни бошланиши ҳақида эълон қиласи:

(1) гурух ишни назорат қиласи:

- гурух ишни режалаштириш
 - вазифаларни гурух аъзолари ўртасида тақсимлаш
 - вазифани бажариш бўйича якка тартибда ишлаш
 - якка тартибда топилган ечимларни муҳокама қилиш
 - гурух учун умумий ечимни ифодалаш
 - гурух иши натижаларини тақдимотини тайёрлаш
- (2) аниқ топшириқни бажариш учун зарур бўлган, алоҳида бўлиб ишлашга, кўникмаларни шаклланишига эътиборини қаратади
- (3) иш боришини шарҳлайди, ютуқларни баҳолайди, айрим, аниқ ва самимий танбеҳ қиласи

6. Гурух иши тақдимотини ташкил қилиш

Бажарилган иш натижалари тўғрисида маълумот бериш учун гурух вакилларини тайинлади. Баҳолаш мезон ва кўрсаткичларини эслатади

III. Назорат-якуний босқич

Технологик ишлар

Таълим берувчи фаолияти

Якун ясаш, таҳлил қилиш
ва баҳолаш

(1) Натижалар текширувини ўтказади:

- гурухнинг ҳар бир иштирокчиси билан гаплашади;
 - ёки буни аввалдан тайинланган назоратчи қилиши мумкин;
 - ёки топширикни бажариш вақтида ўзлаштирилган материалга тааллуқли бўлган тест ўтказади;
 - ёки ҳар бир гурух берилган материал бўйича бошқалар маълумот олганликларини аниқлаш учун, ўзаро текшириш учун савол бериши ёки тайёрлаши мумкин. Бунда гурух аъзолари тестга (текширувга) тайёрланишларида бир-бирларига ҳамкорликда ёрдам беришларига рухсат беради.
- (2) Гурух ишини таҳлил қиласи, топширик бажарилишининг якунини қиласи, эришилган мақсад тўғрисида хулосалар чиқаради.

2.3. “Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик” фанини үқитиша хамкорликда ишлаш усулини қўллаш йўллари.

Мавзу: “Ҳарбий жиноят, ҳарбий хизматдан бош тортганлиги учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик” мавзуси бўйича гурухларда хамкорликда ўқишининг педагогик технологияси (лавҳа)

2.1. Ўқув машғулотининг ўқитиши технологияси модели

<i>Вақт: 2 соат</i>	<i>Талабалар сони: 30</i>
<i>Ўқув машғулотининг шакли ва тури</i>	Назарий- тўлиқ комбинацияланган ўқув машғулоти
<i>Ўқув машғулот режаси</i>	<ol style="list-style-type: none"> 1.“Ҳарбий жиноят турлари. 2.Ҳарбий хизматдан бош тортганлиги учун маъмурий жавобгарлик. 3.Ҳарбий хизматдан бош тортганлиги учун жиноий жавобгарлик.
<i>Ўқув машғулоти мақсади:</i> Чақирилувчи ёшларга ҳарбий жиноят, ҳарбий хизматдан бош тортганлиги учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик тўғрисида билимларга эга қилиш ва маъсулият ҳисини шакллантириш.	
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<i>Ўқув фаолияти натижалари:</i>
<ul style="list-style-type: none"> ✓ Ҳарбий жиноят турлари билан таништиради; ✓ Ҳарбий хизматдан бош тортганлиги учун маъмурий жавобгарликни тушунтиради; ✓ Ҳарбий хизматдан бош тортганлиги учун жиноий жавобгарликни тушунтиради. 	<ul style="list-style-type: none"> ✓ Ҳарбий жиноят турлари биладилар; ✓ Ҳарбий хизматдан бош тортганлиги учун маъмурий жавобгарликни англайди ва айтиб беради; ✓ Ҳарбий хизматдан бош тортганлиги учун жиноий жавобгарликни айтиб беради.
<i>Ўқитиши усуллари</i>	Ахборотли- кўргазмали кичик маъруза.
<i>Ўқув фаолиятини ташкил этиши шакли</i>	Жамоавий, индивидуал, гурухли

<i>Ўқитиши воситалари</i>	ЎР ЖК, ЎР ЖПК, ёзув тахтаси, кўргазмали материаллар слайдлар, компьютер тизими, карточкалар, график органайзер- “Концептуал жадвал”
<i>Ўқитиши шароити</i>	Махсус техник воситалар билан жиҳозланган, гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория
<i>Қайтар алоқанинг усул ва воситалари</i>	Оғзаки назорат: кузатиш, саволжавоб, карточка-саволлар, тезкор-сўров.

Ўқув машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичлар и ва вақти	Фаолият мазмуни	
	ўқитувчи	ўқувчи
1-босқич. Ўқув машғулотига кириш (20 дак.)	<p>Ташкилий бошланиш.</p> <p>1.1. Саломлашади, ўқув хонасини ва ўқувчиларнинг машғулотга тайёргарлигини кўздан кечиради.</p> <p>1.2. Мавзунинг номи, мақсад ва кутилаётган натижаларни етказади.</p> <p>1.3. Ўқувчиларни ўтилган мавзу бўйича ўзлаштириш даражасини карточка-саволлар орқали текширади .</p>	<p>Дарсга тайёргарлик кўрадилар, йўқламага жавоб берадилар.</p> <p>Тинглайдилар</p> <p>Мавзуни ва режани ёзib оладилар.</p>
2-босқич. Асосий (60 дак.)	<p>Янги ўқув материал баёни.</p> <p>2.1. Слайдларни Power point тартибида намойиш ва шарҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий ҳолатларни баён қиласди. (1-илова).</p> <p>2.2. Жалб қилувчи саволлар беради.</p> <p>2.3. Мавзунинг ҳар бир қисми бўйича хulosалар қиласди, энг асосийларига эътибор қаратади, берилаётган маълумотларни дафтарга қайд этишларини эслатади.</p> <p>2.2. “Ҳарбий жиноят турлари.</p>	<p>Кузатадилар.</p> <p>Саволларга жавоб берадилар,</p> <p>маълумотларни дафтарга қайд қиласдилар.</p> <p>Дикқат қиласдилар.</p>

	<p>2.3.Харбий хизматдан бош тортганлиги учун маъмурый жавобгарлик.. (2-илова).</p> <p>2.4..Харбий хизматдан бош тортганлиги учун жиноий жавобгарлик.(3-илова).</p> <p>2.4.Жараён кичик гурухларда давом этишини маълум қиласди.</p> <p>2.5. 3 та кичик гурухларга бўлади, кичик гурухда ишилаш қоидаси билан таниширади ва ишни бажариш йўриқномасини беради (4- илова). Ҳар бир гурухга топширик беради (5- илова) ва баҳолаш мезони билан таниширади. (6- илова).</p> <p>2.6. Топшириқни қай даражада тушунгандикларини аниқлаш мақсадида қайтар алоқа ўтказади.</p> <p>2.7. Гурухларда ишларни бошлишга рухсат беради.</p> <p>2.8. Бажариш жараёнини кузатади, маслаҳатлар беради.</p> <p>2.9. Ишга ажратилган вақт тугаганини маълум қиласди, гурухлар тақдимотини ташкил этади. Гурух аъзоларига дикқат билан эшишишларини ва саволлар беришларини, шу билан бирга ўзаро бир-бирларини баҳолашларини эслатади. Жавобларни тўлдиради ва қисқача хулосалар қиласди.</p> <p>2.10. Гурухлар ишини ўзаро баҳолашни ўтказади.</p>	<p>Кичик гурухларга бўлинадилар.</p> <p>Ҳар бир гурух ўз топширик вараклари бўйича фаолиятини бошлайди.</p> <p>Ҳар бир гурух сардорлари чиқиб ўз ишларини тақдим қилишларини айтади Берилган кўшимча саволларга жавоб берадилар.</p> <p>Гурух иш натижаларини ўзаро баҳолайдилар.</p>
3-босқич. Якуний (10 дақ.)	<p>4.1.Мавзу бўйича якун қиласди, қилинган ишларни келгусида касбий фаолиятларида аҳамиятга эга эканлиги муҳимлигига талабалар эътиборини қаратади.</p> <p>4.2. Талабалар фаолиятини ва белгиланган ўқув мақсадларига эришилганлик даражасини таҳлил</p>	<p>Дикқат қиласдилар.</p> <p>Топшириқни ёзадилар</p>

	қилади ва баҳолайди 4.3. Мустақил ишлари учун вазифа беради: (7- илова).	
--	--	--

4- илова

Гурухда ишлаш қоидалари:

- ҳар ким ўз ўртоқлари нутқини хушимуомалалик билан тинглашии зарур;
- ҳар ким фаол, биргаликда ишилаши, берилган топшириқка масъулиятли ёндашишии зарур;
- ҳар ким ёрдамга мұхтож бўлганда уни сўраши зарур;
- ҳар кимдан ёрдам сўралса, ёрдам қилишии зарур;
- ҳар ким гурух ишии натижаларини баҳолашда иштирок этишии зарур

Гурухда топшириқни бажариш йўриқномаси:

1. Гурухда етакчисини сайланг.
2. Топширик билан танишинг ва уни қандай қилиб бажаришингизни муҳокама қилинг.
3. Топширикни бажаринг.
4. Тақдимотга тайёрланг.
5. Тақдимот ўтказинг.
6. Гурухлар ишини баҳоланг.

5- илова

Гурухли иш учун ўқув топшириқ

Ўқув топшириқ

1-гурух

1. **Саволга жавоб беринг:** Қандай жиноятлар, харбий жиноят турларига киради ?
2. Жиноят турларини аниқланг.
3. Харбий жиноятга доир 3-та тест саволларини тузинг.

Эслатма: иш бажариш йўриқномасига амал қилинг.

Үқув топшириқ

2-гурұх

1. Саволга жавоб беринг: Ҳарбий жиноятларнинг қайси турлари маъмурий жавобгарликка тортилади ?
2. Бунинг сабабларини аниқланг.
3. Ҳарбий хизматдан бош тортганлиги учун маъмурий жиноятларга доир 3-та тест саволларини тузинг.

Эслатма: Иш бажариш йўриқномасига амал қилинг.

Үқув топшириқ

3-гурұх

1. Саволга жавоб беринг: Ҳарбий жиноятларнинг қайси турлари жиноий жавобгарликка тортилади ?
2. Бунинг сабабларини аниқланг.
3. Ҳарбий хизматдан бош тортганлиги учун жиноий жавобгарликка доир 3-та тест саволларини тузинг.

Эслатма: иш бажариш йўриқномасига амал қилинг.

Гурұхлар ишини бақолаш күрсаткыч ва мезонлари

Гурұх	Маълумотни тушунарлилиги ва аниқ жавоб Мах балл: 2 балл	Ишни түлиқ бажарилиши Махбалл: 1балл	Вақтга амал қилиш Мах балл: 1 балл	Гурұх фаоллиги Мах балл: 1 балл	Жами Мах балл: 5 балл
1					
2					
3					
4					
5					
6					
7					
8					
9					

ГУРУХЛИ ИШ УЧУН ЎҚУВ ТОПШИРИҚЛАРИ

Эксперт варағи №1

1. Ҳарбий жиноят турларини айтиб беринг.
2. Ҳарбий хизматдан бош тортиш билан боғлиқ маъмурий жиноятларга киравчы жиноят турларини айтиб беринг.
2. Маъмурий жиноят содир этилганда күриладиган чораларни изохланг.

Эслатма: топшириқни бажариш йүриқномасига амал қилинг.

Эксперт варағи №2

1. Ҳарбий хизматдан бош тортиш мақсадида содир этилидиган жиноят турларини айтиб беринг.
2. Ҳарбий хизматдан бош тортиш билан боғлик бўлган жиноят турларини айтиб беринг.
2. Ҳарбий хизматдан бош тортиш мақсади билан жиноят содир этилганда кўриладиган чораларни изохланг.

Эслатма: топшириқни бажариш йўриқномасига амал қилинг.

Эксперт варағи №3

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноий Кодекси тўғрисида гапириб беринг.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноий Кодексининг “Ҳарбий жиноят, ҳарбий хизматдан бош тортганлиги учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик” тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Жиноий Кодекси моддаларини гапириб беринг.

Эслатма: топшириқни бажариш йўриқномасига амал қилинг.

Гурухда топшириқни бажариш йўриқномаси:

1. Гурух етакчисини танланг.
2. Топшириқ билан танишинг ва уни бажариш йўлини мухокама қилинг.
3. Тақдимотни расмийлаштиринг.
4. Тақдимот ўтказинг.
5. Гурухлар ишини баҳолашини ўтказинг.

Гуруҳларда ишлари қоидаси

◊ Шеригингизни эътиборли бўлиб тингланг.

Гуруҳ ишларида ўзаро фаол иштирок этинг, берилган топшириқларга жавобгарлик билан ёндашинг.

Агар ёрдам керак бўлса, албатта мурожаат қилинг.

Агар сиздан ёрдам сўрашса, албатта ёрдам беринг.

Гуруҳлар фаолиятининг натижаларини баҳолашда хамма иштирок этиши шарт.

Қуйидагиларни аниқ тушунишимиз лозим:

- Бошқаларга ўргатиш орқали ўзимиз ўрганамиз!
- Биз битта кемадамиз: ёки биргалиқда сузуб чиқамиз, ёки биргалиқда чўкиб кетамиз.

Ҳарбий жиноятларнинг турлари ва улар учун жавобгарлик.

Муддатли ҳарбий хизматчилар ва бир ой муддатли ҳарбий йигинларга чақирилган сафарбарлик чақируви разервидаги ҳарбий хизматчиларнинг моддий жавобгарлиги.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иктисодий ривожланишида мамлакатда қонун устиворлигини ўрнатиш жуда катта аҳамиятга эга. Қонуннинг амалдаги ижроси, жамиятнинг қонунлар асосида назорат қилиниши ва тараққиёти аввало мамлакатда ҳар бир фуқаронинг қонунларни хурмат қилишига, уни амалга оширишга ўзида масъулият ҳиссини вужудга келтиришга боғлиқ.

1994 йил 22 сентябр куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг қарорига кўра Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодекси қабул қилинди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланди.

Мазкур қонуннинг 7-бўлим “Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар” деб аталади.

Қонунда ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларнинг тўрттаси асосий тури белгилаб берилган.

XXI боб. Бўйсунниш ва ҳарбий шаънга риоя этиш тартибиغا қарши жиноятлар.

XXII боб. Ҳарбий хизматни ўташ тартибиغا қарши жиноятлар.

XXIII боб. Ҳарбий мулкни сақлаш ёки ундан фойдаланиш тартибиغا қарши жиноятлар.

XXIV боб. Ҳарбий мансабдорлик жиноятлари.

Қонуннинг 279-моддасида *бўйсунмаслик*, яъни буйруқни бажаришдан очиқдан-очиқ бош тортиш, шунингдек, буйруқни бошқа тарзда қасдан бажармаслик-бир йилгача интизомий қисмга юбориш билан жазоланади. Ўша қилмиш бир гурух шахслар томонидан содир этилса - уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан, жанговар вазиятда содир этилган бўлса - беш йилдан ўн беш йилгача -озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Жиноятларнинг шунга ўхшаш тури *буйруқни бажармасликдир* (280-модда). Буйруқни еҳтиётсизлик орқасида бажармаслик кўп миқдорда зарар етказишга ёки оғир оқибатларга сабаб бўлса-бир йилгача интизомий қисмга жўнатиш билан, шу қилмиш жанговар вазиятда содир этилган бўлса беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади. Қонунни 284-моддасида бўйсинувчининг ўз бошлигини ёки бошлиқнинг ўз

бўйсинувчисини хақорат қилгани туфайли жазо белгиланган. Бундай холат шундай харакатлар учун интизомий жазо қўллангандан кейин содир этилган бўлса - уч ойгача қамоқ жазоси билан жазоланади.

Бир-бирига тобе бўлмаган ҳарбий хизматчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларга оид низом қоидаларини бузиш, яъни мунтазам хўрлаш, азоб бериш, баданга энгил шикаст етказиш, қонунга хилоф равища озодликдан маҳрум қилиш (285-модда) - олти ойгача қамоқ ёки бир йилгача интизомий қисмга юбориш ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Ўша қилмиш бир гурӯҳ шахслар тамонидан содир этилган бўлса беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.

Ҳарбий мулкни беҳуда сарфлаши яъни ҳарбий хизматчининг шахсан ўзи фойдаланиши учун берилган аслаҳа-анжомларни сотиши, фойдаланиши учун гаровга бериши - олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ҳарбий мулкни, яъни қурол, ўқ-дори, харакат қилиш воситалари, ҳарбий техника ва бошқа ҳарбий мулкни қасоддан нобуд қилиши ёки унга шикаст етказиш-олти ойгача қамоқ ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ш-БОБ. ЧАҚИРУВГА ҚАДАР БОШЛАНҒИЧ ТАЙЁР- ГАРЛИК ЖАРАЁНИДА ҲАМКОРЛИКДА ИШЛАШ УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ САМАРАДОР ЛИГИ

3.1. Тажриба–синов ишларининг қўйилиши ва мазмуни

Тажриба–синов ишлари Тошкент шаҳар, Яққасарой тумани Бобур кўчаси 55 уйда жойлашган Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги академик лицейда ўтказилди ва бунда 212 та ўқувчи жалб этилди. Тадқиқот ишининг натижалари унинг самарадорлик даражаси билан белгиланади. Шунга кўра биз чақиравга қадар бошланғич тайёргарлик самарадорлигини ўқувчилар билиши, кўникма ва малакаларининг қай даражада ортганлигини текшириш асосида аниқладик. Бунинг учун биз таъкидловчи эксперимент давомида ўқувчиларнинг дастлабки билими, кўникма ва малакаларини аниқлаган бўлсак, шакллантирувчи тажриба–синов жараёнида таълим ва тарбия бирлиги, билимларнинг қай даражада чуқур ва мустаҳкам эканлиги, кўникма ва малакаларининг такомиллашиб боргани, хотира ва тафаккурининг ривожланаётгани, маънавий-ахлоқий, ҳиссий-иродавий хислатларининг мустаҳкамлиги, умуман, билими даражасини аниқлашга ёрдам берди. Чақиравга қадар бошланғич тайёргарлик самарадорлигини аниқлаш ўқувчиларга ўз фаолияти натижасини танқидий баҳолаш имконини ҳам берди. Шунингдек, ўқувчиларнинг хулқидаги хато ва камчиликларни аниқлаш натижасида уларнинг сабабларини бартараф этиш йўллари ҳам маълум бўлди.

Педагогик адабиётларда бу йўналишдаги илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда асосий эътибор тадқиқ этилаётган муаммонинг амалий жиҳатларининг ёритилишига қаратилиши зарурлиги таъкидлаб ўтилади. Дарҳақиқат, ҳар қандай педагогик жараён ўз моҳиятига кўра ўқитувчи ҳамда яқувчи ўртасида юзага келиб, ўзида дидактик ёки тарбиявий хусусиятларни намоён этувчи амалий фаолият мазмунини ёритади. Назарий-педагогик гоялар айнан таълим ёки тарбия жараёнишнинг моҳиятини амалий ўрганиш,

таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида шакланади. Шу сабабли илмий изланишни олиб боришда муаммо бўйича амалга ошириладиган тажрибасинов ишлари ягона, яхлит педагогик тизимнинг ядроси сифатида намоён бўлади.

Ўқувчиларда чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик самарадорлиги:

- “отиш тайёргарлиги” бобига бўйича ўқувчиларнинг билим, қўникма ва малака натижаларини баҳолаш;
- Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик ўқитилишида “уч босқичли лойиха” усулини боб машғулотларини ўқитиш самарадорлигини оширишга кўрсатган таъсирини аниқлаш.

Тадқиқот вазифаси ҳамда объекти тафсифи аниқлангач, таълим жараёни самарадорлигига таъсир этувчи асосий тушунча ва омилларни аниқлашга ўтиш муҳим. Шу билан бирга тушунчанинг мазмунини ҳақиқий ижтимоий омиллар ҳамда воқеалар билан қиёслаш катта аҳамиятга эга.

Ўқувчиларнинг тажриба аввалида — ЧҚБТ методикаси фани бўйича АНКЕТА сўровномалари натижалари.

1-жадвал

Тажриб а босқичи ва ўқув йили	Ўрта махсус касб-хунар таълими тизими	Ўқувчилар сони 112		Даража (ўзлаштириш)	Тажриба гурухид а (%) хисобид а	Назорат гурухид а (%) хисобид а
		Тажриб а гурухи	Назора т гурухи			
2018- 2019 ўқув йили	ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАХОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТ И қошидаги академик лицейда	24	23	Юқори (аъло)	5 (29.4%)	3 (28.8%)
				Ўрта (яхши)	7 (33.5%)	7 (38.5%)


1.1. жадвал

Саволлар	Тажриба гурухи 1 Т 24			Назорат гурухи 2 Н 23		
	Тажриба аввалида			Тажриба аввалида		
	Юқори (%)	Ўрта (%)	Паст (%)	Юқори (%)	Ўрта (%)	Паст (%)
1-савол	35	30	35	26	42	32
2-савол	28	28	44	28	40	32
3-савол	27	30	43	25	45	30
4-савол	29	34	37	32	40	28
5-савол	33	32	35	31	29	40
6-савол	25	31	44	30	41	29
7-савол	30	39	31	26	38	36
Умумий фоиз	29,4%	33,5%	37,1%	28,8%	38,5%	32,7%

1.2. жадвал

Саволлар	Тажриба гурухи 05-18; 06-18			Назорат гурухи 12-18; 10-18		
	Тажриба аввалида			Тажриба аввалида		
	Юқори (%) хисобида	Ўрта (%) хисобида	Паст (%) хисобида	Юқори (%) хисобида	Ўрта (%) хисобида	Паст (%) хисобида
1-савол	30	40	45	30	49	39
2-савол	29	38	44	28	40	37
3-савол	31	42	43	29	45	40
4-савол	27	39	37	32	40	38
5-савол	31	43	35	31	49	40
6-савол	29	41	44	30	41	38
7-савол	30	39	40	26	50	36
Ўртacha	30	40	41	29	45	38
Умумий фоиз	29,4%	33,5%	37,1%	28,8%	38,5%	32,7%

1.3. жадвал



1.4. жадвал

Саволлар	Тажриба гуруҳи 05-18; 06-18			Назорат гуруҳи 12-18; 10-18		
	Тажрибадан кейин			Тажрибадан кейин		
	Юқори (%)	Ўрта (%)	Паст (%)	Юқори (%)	Ўрта (%)	Паст (%)
1-савол	50	43	25	39	49	29
2-савол	49	37	19	33	40	30
3-савол	51	42	20	29	45	40
4-савол	47	39	17	32	40	28
5-савол	51	43	15	31	49	29
6-савол	52	41	24	30	41	36
7-савол	50	37	20	36	45	33
Ўртача	51	40	21	35	45	32
Умумий фоиз	42,9 %	36,9%	20,2,1%	32,9 %	35,8%	31,3%



3.2. Тажриба-синов ишларининг сон ва сифат таҳлили

Таҳлиллар асосида чиқарилган ушбу хулоса График органайзерлардан фойдаланиб ҳарбий таълим ўқув машғулотларини самарадорлигини ошириш қай даражада шаклланганлигидан далолат беради.

Демак, ўқувчиларда касбий компетентликни шакллантиришнинг самарали усуллар орқали ўргатишда аввало уларнинг ўзидағи таълим асосларини ўрганишга бўлган билишга қизиқишини ўстирувчи омилларни аниқлаб, улар орқали таъсир этишга эришиш тадқиқотдан кўзланган асосий мақсадларнинг бири эканлигини яна бир бор асослади.

Ўқувчиларга махсус саволнома тузилиб тарқатилди ва саволларга ёзма жавоблар олинди (3-илова).

Саволларга олинган жавоблар орқали “отиш тайёргарлиги” самарадорлигини баҳолаш учун ўқитиш жараёни олдига қўйилган мақсад ва вазифаларга эришилганлик даражасини аниқладик.

Жавоблар таҳлил этилганда ўқувчилар билим даражаси ўрганилиб, улар билимининг чуқур ва тўлиқлигига, билимларининг малакага айланиши даражасига этибор бердик. Ўқувчилар дастлаб олинган билимларини муайян вазиятни таҳлил қилиш ва таҳлил асосида ўз билимларини амалиётга тадбиқ этиш қобилиятини эгаллаб олганлигини аниқлаш зарур эди. Сўнгра уларнинг жавоблари орқали фаолиятидаги хатти-харакатига мослигига эътибор бериш, яъни “отиш тайёргарлиги” боби ўқув материалларини ўзлаштиришида қандай иштирок этаётгани ва ниҳоят кўникма ва қобилиятларга эга бўлганлигига ътибор қаратилди.

Ўқув бўлими (боб) - яъни “Отиш тайёргарлиги” боб бўйича якуний назорат саволларига олинган ёзма жавобларни таҳлил этиш натижасида “уч босқичли лойиҳа” усулидан фойдаланиш асосида таълим самарадорлигининг қай даражада ортганлиги маълум бўлди.

Интерфаол ёндашувнинг чақиравга қадар бошланғич тайёргарлик самарадорлигини оширишдаги ўрни қуидаги жадвалда ўз ифодасини топган. 2.1. жадвал

Тажриба-синов якунида мезонлар асосида олинган натижалар асосида интерфаол ёндашувнинг таълим самарадорлигини оширишда қай даражада таъсир этганлиги юқори, ўрта, паст даражаларга ажратади.

Юқори даража - ўқув материалларини мазмун моҳиятини чуқур англаб етадилар, улардан фойдаланиш аҳамиятини тушунадилар, ўз фаолиятларида улардан фойдаланадилар.

Ўрта даража - ўқув материалларининг мазмун моҳиятини англаб етадилар, уларнинг аҳамиятини сезадилар, аммо ҳамма вақт ҳам фойдалана олмайдилар.

Паст даража - ўқув материалларининг моҳиятини суст англаб етади, уларни билишга эҳтиёж ва хоҳиш-истак бор. Лекин улардан фойдалана олмайди ва буннинг эҳтиёжини англамайдилар.

Чақиравга қадар бошланғич тайёргарлик раҳбари томонидан машғулот самарадорлигини таъминловчи омилларни қайд этиш ўрганилганда, тадқиқот доирасида олиб борилган тажриба-синов ишлари улар фикрларининг кескин ўзгаришига сабаб бўлганлигини аниқланди. Қуйида ушбу тадбирларнинг айримлари устида тўхталамиз.

Чақиравга қадар бошланғич тайёргарликда интерфаол методлар асосида ташкил этишган тажриба-синов ишлари маҳсус режа асосида олиб борилди. Мазкур режа таркибидан Чақиравга қадар бошланғич тайёргарлик фани ЧҚБТ раҳбарларида тарбиявий фаолият жараёнини педагогик технологиялар асосида ташкил этиш борасида кўникма ва малакаларни ҳосил қилишга имкон берувчи тадбирларнинг ўрин олишига алоҳида эътибор қаратилди.

Амалга оширилган ишларнинг натижасига кўра илғор педагогик технологияларни Чакиравга қадар бошланғич тайёргарлик жараёнида қўллаш орқали дарс самарадорлиги 2,6 % га оширилди.

Бу кўрсаткичларни фоизларда ҳисоблаш учун қўйидаги формуладан фойдаланамиз. Ҳар бир ўкувчи нинг ўзлаштириш коэффициенти фоизларда

$$K = \frac{J}{Q} \cdot 100\% \text{ формула орқали топилади.}$$

Бу ерда J – ўтказилган тажрибада саволларга берилган тўғри жавоблар сони. Q – Ўқувчиларнинг умумий сони.

3.1.5-жадвал

№	Гурӯхлар Баҳо	Тажриба		Назорат
		K_1	K_2	
1.	Юқори	$K_1 = \frac{51}{112} \cdot 100\% = 42,9\%$	$K_2 = \frac{35}{112} \cdot 100\% = 32,9\%$	
2.	Ўрта	$K_1 = \frac{40}{112} \cdot 100\% = 36,9\%$	$K_2 = \frac{45}{112} \cdot 100\% = 35,8\%$	
3.	Паст	$K_1 = \frac{35}{112} \cdot 100\% = 32,9\%$	$K_2 = \frac{32}{112} \cdot 100\% = 31,3\%$	

Диаграммада қайд этилган графиклардан англаандики, тажриба ва назорат гурухлари учун танланма модал қийматлари мос равишда $M_t = 5$ ва $M_n = 3$, яъни улар орасидаги фарқ етарли даражада бўлиб, $M_t > M_n$ экан. Бу эса, ўз навбатида, бу танланмалар учун мос ўрта қийматлар ҳам $X > Y$ шартларни қаноатлантиришини олдиндан кўрсатади. Уларни қўйидаги формула асосида ҳисоблаймиз:

$$\bar{Y} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^{n=3} n_i y_i = \frac{1}{112} (56 \cdot 5 + 72 \cdot 4 + 69 \cdot 3) = \frac{1}{112} (280 + 288 + 207) = \frac{755}{112} = 2,8$$

Демак, тажриба гурухида ўртача ўзлаштириш назорат гурухидагидан катта экан: $X > Y$

Олинган натижалардан ўқитиши самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба гуруҳидаги ўзлаштириш назорат гуруҳидаги ўзлаштиришдан юқори экан. Демак, Чакиравга қадар бошланғич тайёргарлик самарадорлигини интерфаол ёндашув асосида такомиллаштириш юзасидан ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадор экан.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, тадқиқотда биз олиб борган тажриба-синов ишлари натижасида интерфаол ёндашув асосида таълим самарадорлигини ошириш мумкинлиги ўз исботини топди.

Мазкур тадқиқотда тажриба-синов ишлари маълум лойиҳалаштирилган дастур асосида ишлаб чиқилган методикада олиб борилди. Тажриба-синов ишларида анъанавий методлар билан бирга илғор педагогик технологиялардан хам фойдаланилди. Шунингдек, таълим самарадорлигини аниқлаш мақсадида маҳсус тузилган саволномаларга ёзма жавоблар олинди. Натижалар математик-статистик таҳлил этилди. Таҳлиллар тадқиқот ишида қўлланилган методиканинг тўғрилигини исботлади.

Умумий хуоса ва тавсиялар

Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар унинг самарадорлигини таъминлаш, баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялаб етиштиришга хизмат қиладиган узлуксиз таълим тизимини ривожлантиришга йўналтирилгандир. Бу жараёнда янги турдаги таълим муассасалари – академик лицей ва қасб-хунар коллежларида Чакириққача ҳарбий таълим фани фаолиятини такомиллаштириш, жумладан, педагогик технологиялар асосида ташкил этиш, бу борада самарадорликка эришиш, мазкур ўқув юртларининг мустаҳкам моддий-техник базасини яратиш, Чакириққача ҳарбий таълимни замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминлаш, шунингдек, юксак малака, педагогик маҳорат ҳамда чуқур мутахассислик билимларига эга бўлган ҳарбий педагог кадрлар билан таъминлаш каби масалаларга жиддий эътибор берилмоқда. Чакириққача ҳарбий таълим фани ҳамда ўқув юрти фаолиятини технологик ёндашув асосида ташкил этиш долзарб муаммо бўлиб, ушбу таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган ЧҚБТ раҳбарларнинг педагогик технологиялар моҳияти, уларни таълим-тарбия жараёнида қўллай олиш соҳасидаги тушунчалардан қанчалик хабардор эканликлари ўрганилган муаммонинг ижобий ҳал қилинишини таъминлади. Шу мақсадда Чакириққача ҳарбий таълимда амалга оширилган тадқиқот натижасида қўйидаги хуосаларга келдик.

1. Педагогик технология таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этишга йўналтирилган янгича ёндашув бўлиб, мустақил назария сифатида ўтган асрнинг 30-йилларида Америка Кўшма Штатлари ва Ғарбий Европанинг бир қатор мамлакатларида амалга оширилган ижтимоий ислоҳотлар даврида шаклланган. Айни вақтда Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган туб ижтимоий ислоҳотларнинг асосини жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари таълим тизимига бевосита сингдирилган мазкур назария моҳиятини чуқур ўрганиш, унинг ғояларини Республиканинг

узлуксиз таълим тизимиға татбиқ этиш, педагогик фаолиятни ташкил этишда муайян муваффақиятларга эришиш, Ҷақириққача ҳарбий таълимфанига технологик ёндашув асосида билим беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим муассасаларининг ўқув фаолиятини педагогик технологиялар асосида ташкил этиш долзарб масала бўлиб, бу борада бир қатор муаммолар мавжуддир. Ушбу муаммоларнинг ижобий ҳал этилиши ҳарбий фаолиятнинг сифат ва самарадорлигини оширишга имкон беради.

Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим муассасалари ўқув фаолиятини педагогик технологиялар асосида ташкил этишнинг назарий-амалий асосларини тадқиқ қилиш ҷақириққача ҳарбий таълим соҳасидаги ислоҳотларнинг муваффақиятини таъминлайди. Бу соҳада Ҷақириққача ҳарбий таълим фанига педагогик технологияларни самарали татбиқ этилиши ҳам муҳим аҳамият касб этади.

2. Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълим муассасаларининг фаолиятига педагогик технологияларни татбиқ этиш борасида гарчи етарли даражада амалий тажриба тўпланмаган бўлсада, мазкур назария моҳиятини ёритишига хизмат қилувчи салмоқли илмий манбалар мавжуд. Мазкур манбаларнинг аксарияти Ҷақириққача ҳарбий таълим фани ЧҚБТ раҳбарлари педагогик технология соҳасидаги назарий билимлар билан қуроллантириш имкониятига эга. Бироқ мавжуд адабиётларда педагогик технологияларни амалиётга татбиқ этиш, муайян таълим муассасаси ўқув фаолиятини педагогик технологиялар асосида ташкил этишнинг илмий асослари хусусида деярли сўз юритилмаган. Замонавий таълимни ташкил этишига қўйиладиган муҳим талаблардан бири ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичидаги юксак натижаларга эришишдир. Қисқа вақт орасида муайян назарий билимларни ўқувчиларга етказиб бериш асосида маълум фаолият кўникма ва малакаларни шакллантириш, фаолиятини назорат қилиш, улар томонидан эгалланган назарий ва амалий билимлар даражасини

баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳоратни, таълим жараёнига нисбатан янгича ёндашувни талаб этади.

Интерфаол ўқитиши “таълим жараёнининг асосий иштирокчилари – ўқитувчи, ўқувчи ва ўқувчилар гурӯҳи ўртасида юзага келадиган ҳамкорлик, қизғин баҳс-мунозалар, ўзаро фикр алмашиш имкониятига эгалик асосида ташкил этилади, уларда эркин фикрлаш, шахсий қарашларини иккиланмай баён этиш, муаммоли вазиятларда ечимларни биргаликда излаш, ўкув материалларини ўзлаштиришда ўқувчиларнинг ўзаро яқинликларини юзага келтириш, “ўқитувчи – ўқувчи – ўқувчилар гурӯҳи” нинг ўзаро бир-бирларини хурмат қилишлари, тушунишлари ва қўллаб- қувватлашлари, самимий муносабатда бўлишлари, руҳий бирликка эришишлари кабилар билан тавсифланади”

Ўқитувчи таълим жараёнида интерфаол таълим ёрдамида ўқувчиларнинг қобилиятларини ривожлантириш, мустақиллик, ўз-ўзини назорат, ўз-ўзини бошқариш, самарали сұхбат олиб бориш, тенгдошлари билан ишлаш, уларнинг фикрларини тинглаш ва тушуниш, мустақил ҳамда танқидий фикрлаш, муқобил таклифларни илгари суриш, фикр-мулоҳазаларини эркин баён қилиш, ўз нуқтаи назарларини ҳимоя қилиш, муаммонинг ечимини топишга интилиш, мураккаб вазиятлардан чиқа олиш каби сифатларни шакллантиришга муваффақ бўлади. Энг муҳими, интерфаол методларни қўллаш орқали ўқитувчи ўқувчиларнинг аниқ таълимий мақсадга эришиш йўлида ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатларини ташкил этиш, йўналтириш, бошқариш, назорат ва таҳлил қилиш орқали холис баҳолаш имкониятини қўлга киритади.

Ҳамкорликда ишлаш усулидан фойдаланиб чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик ўкув машғулотларини самарадорлигини оширишнинг мазмуни, методлари, воситаларини такомиллаштирилди.

Методлари, воситаларини такомиллаштириш борасида қўйидаги ишлар амалга оширилди.

- Ҳамкорликда ишлаш усулидан фойдаланиб умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида чақиравга қадар бошланғич тайёргарлик ўқув машғулотларини самарадорлигини таъминлаш ва ўқув машғулотларини самарадорлигини оширишнинг ўзига хос хусусиятлари аникланди.
- янги педагогик технологияларни яратилишида ҳамкорликда ишлаш усулининг ўрни ва ахамияти ўрганилди.
- Ҳамкорликда ишлаш усулини чақиравга қадар бошланғич тайёргарлик ўқув жараёнига татбиқ этиш имкониятлари таҳлил қилинди.
- Ҳамкорликда ишлаш усулидан фойдаланишга доир методик тавсиялар ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди.

Тавсиялар:

Ҳамкорликда ишлаш усулидан фойдаланиб Чақиравга қадар бошланғич тайёргарлик фани “Ҳарбий иш асослари” ўқув бўлими ўқув машғулотларини самарадорлигини оширишнинг янги илмий, назарий асосларидан фойдаланиш;

Чақиравга қадар бошланғич тайёргарлик фани “Ҳарбий иш асослари” ўқув бўлими ўқув машғулотларини ҳамкорликда ишлаш усулидан фойдаланиб самарадорлигини оширишнинг методикасига оид тавсияларга амал қилиш;

“Ҳарбий иш асослари” ўқув бўлими ўқув машғулотларини самарадорлигини оширишнинг ўзига хос механизмларини инобатга олиш;

Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида Чақиравга қадар бошланғич тайёргарлик фани “Ҳарбий иш асослари” ўқув бўлими амалий машғулотларида ўқитишнинг лойиҳавий технологиясини қўллаш бўйича фан ўқитувчисининг ташкилий ва услубий жиҳатдан такомиллашган имкониятларини жорий этиш.

Тадқиқот ишида чақи्रувга қадар бошланғич тайёргарлик фани “Харбий иш асослари” ўкув бўлими ўкув машғулотларини самарадорлигини ошириш омилларига оид билимларни ахборот технологиялари асосида ривожлантиришнинг назарий асослари ва ўкув машғулотларини самарадорлигини оширишда таълим бериш йўллари такомиллаштирилди ва унга мос мезонлар ишлаб чиқилди.

Ушбу магистрлик диссертациясидан умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимида чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўкув машғулотларида ҳамкорликда ишлаш усулидан фойдаланиш бўйича методик қўлланма сифатида фойдаланиш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ти № 187-сонли Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26 сентябрдаги “Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ти № ПҚ-3289-сонли Қарори.
3. Ш.М.Мирзиёев “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағищланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.
4. Ш.М.Мирзиёев “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағищланган тантанали маросимдаги маъruzasi. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.
5. Ш.М.Мирзиёев Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 1026.
6. Ш.М.Мирзиёев Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
7. И.А.Каримов Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008.–176 б.
8. И.А.Каримов Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011.–440 б.
9. И.А.Каримов Она юртимиз бахти иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2015. – 302 б.

- 10.Н.Н. Азизходжаева. Ўқув жараёнининг самарадорлигини оширишда Педагогик технологиялар. © Низомий номидаги ТДПУ, 2007.
- 11.Аминов А.Ҳ. Умумий ўрта таълим педагог ҳодимлари малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришнинг назарий-амалий масалалари: Пед.фан.номз. дисс.- Т.: 2004.-156-бет
- 12.Мусурмонова. О. Юқори синф ўқувчиларини маънавий маданияти шакллантиришнинг педагогик асослари: Педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дис.-Т.:1993.-289 б.
- 13.Ўзбекистон Республикасининг “ Таълим тўғрисида”ти Қонуни. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа контсерни, 1997. 20-бет.
- 14.А. Сотвoldиев. “Ўзбекистон Республикаси Мудофа вазирлигининг Марказий матбуот органи “Ватанпарвар” газетаси. “Машғулотларда педагогик инновацион технологияларнинг қўлланиши” 2010 й. 10. 09. № 37.
- 15.А. Сотвoldиев. Чақирувга қадар бошлангич тайёргарлик фанини касбий соҳаларга йўналтириб ўқитиш методикаси. Низомий номидаги ТДПУ, 2012.
- 16.Д.Рўзиева, М.Усмонбоева, З.Холикова. Интерфаол методлар: моҳияти ва қўлланилиши. Методик қўлланма. Низомий номидаги ТДПУ нашриёти, 2013. – 136 бет.
- 17.Файзуллаева Д.М., Ганиева М.А. Кичик гуруҳларда ҳамкорликда ишлаш педагогик технологиялари тўплами. Методик қўлланма / Серия “Ўрта маҳсус, касб-хунар таълимда инновацион технологиялар”. – Т.: ТДИУ, 2013. – 44 б.
- 18.Ишматов Қ. Педагогик технология. Марзуа матни. Наманганд, НамМПИ.- 2004.- 95 б.
19. Худойқул Тўраев. Баркамол авлод йили. 2010 й.
20. Соғлом авлодни шакллантиришда янги педагогик технологияларнинг ўрни. Тошкент вилояти ёш олимларининг II- илмий-амалий анжумани мат. - Т: ТВХТХМОИ, 2002. - 76 б.
21. Сайидаҳмедов Н. Янги педагогик технологиялар. -Т.: Молия, 2003. 171 б.

- 22.Муслимов Н.А., Абдуллаева қ.М. Ўқитувчининг касбий тикланиш омиллари.
//Ж. Узлуксиз таълим. 2005. -№2.
- 23.Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фанини ўқитишнинг замонавий
технологиялари ”модули бўйича ишчи дастур. 2018 й. Таълим тури: Кадрлар
малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш.
- 24.Янги педагогик технология. 2013 й. Маъruzалар матни. 2016 38-41 бетлар
- 25.Педагогика: 1000 та саволга 1000 та жавоб /Методик қўлланма. У.И.Иноятов,
Н.А.Муслимов, М.Усмонбоева, Д.Иногомова. – Тошкент: Низомий номидаги
Тошкент давлат педагогика университети, 2012 – 122-бет.

«Үрта махсус касб-хунар таълими тизимида ўқувчиларни касбга қизиқишиларини қайд қилиш.

СЎРОВНОМАСИ

Азиз ўқувчи! Ушбу сўровномада чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик бўйича машғулотлар самарадорлигини янада оширилишига қаратилган саволлар берилган. Сиздан берилган, ҳар бир саволни диққат билан ўқиб чиқишингизни ва имкон қадар аниқ жавоб беришингизни илтимос қилинади.

Саволларга жавоб беришингизда жавоб вариантлари берилган бўлса сизга энг тўғри келадиганининг олдига "+" белгисини қўйинг. Агар жавоб вариантлари берилмаган бўлса имкон қадар аниқ қилиб ўз фикрингизни ифодаланг. Сиз бу билан чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик бўйича машғулотлар самарадорлигини янада оширилишига ўз хиссангизни қўшган бўласиз. Бунинг учун сизларга миннатдорчилик билдирамиз.

1. Сиз “Чақирувгача бошланғич тайёргарлик” фанини ўрганишга қандай сабабга қўра қизиқасиз?

- олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун;
- ўқитувчи дарсни қизиқарли тарзда олиб боргани учун;
- жанговор зирхли техника ва қурол-яроғларга қизиқаман;
- дарсда интерфаол методлар қизиқарли ташкил этилади ва ўқувчилар ҳамкорликда ишлашиб натижага эришамиз;
- билмадим, негадир менга қизиқ туюлади.

2.ЧҚБТ фанини ўқитилишида, машғулотни ташкил этиши ва олиб боришида, фан ўқитувчининг қандай ёндашувларини маъқул кўрасиз ?

- ўқув материалларини тушунтиришда интерфаол усулларини ;
- машғулот ўқув материалларини ҳаётий мисолар билан боғлашини;
- мустақил ишларни беришда бизларга тўлиқ ишонч билдиришини ва топшириқ ва вазифаларни бажариш бўйича аниқ ва тушунарли тавсиялар беришини;
- бажарилган топширикларниadolатли боҳолашини;
- бирон бир фикр билдиришга иккиланиб қолдим.

3. Машғулот жараёнида ўқитувчи томонидан қўлланилган қандай усуллар сизга кўп фойда келтириди ?

- ўқитувчининг фаоллиги, кўрсатиши, тушунтириши;
- машғулотда амалий иш ёки машқ бажартириши;
- дарсда ўқувчиларни кичик бўлиши ва топширикларни бажаришда ўқувчиларни ҳамкорликда ишлашга йўллаши;
- дарснинг якуний қисмида гурухлар томонидан тақдимот ўтказилиши;
- мавзу материалларини дарс жараёнида ёзиб олишга имкон бериши.

4. ЧҚБТ дарс жараёнида “ҳамкорликда ишлаш” усулидан фойдаланишнинг моҳияти нимада деб ўйлайсиз ?

- вазифалар кичик гурухларга teng тақсимланиши ва гурух ўқувчиларига ҳам вазифалар тақсимланишида;
- топшириқни бажарилиши гурух ўқувчиларининг ўзаро назоратида бўлиши ва натижани тақдимоти ўтказилиши ва баҳоланишида хар бир ўқувчининг маъсулиятли бўлишида;
- дарсни ўзлаштиришда фаоллик ўқувчилар томонида бўлишида;

- натижа бўйича тақдимот ўтказилиши, баҳоланиши, айниқса бу жараёнда ўқувчиларнинг иштирок этиши;
- юқорида баён этилган мазмунларнинг барчаси ҳамкороликда ишлашнинг моҳиятини белгилайди деб ўйлайман;

5. Дарс жараёнида ўқувчиларниниг “ҳамкорликда ишлаш” усулидан ишлаши, аввалги ўқитувчи фаоллигига олиб бориладиган машғулотлардан афзаллигини нималарда деб билдингиз ?

- ўқув гурухи teng сонли ва иктидори жихатидан адолатли гурухларга бўлинishiда;
- ўқитувчи томонидан ишни ташкил этиши, йўллаши ва фаоллик ўқувчилар томонида бўлишида;
- дидактик материалларнинг етарли даражада таъминланишида;
- кичик гурухларнинг ўқув фаолияти натижалари бўйича тақдимот ўтказилишида;
- иш жараёни нафақат ўқитувчи умумий назоратида, балки ўқувчиларнинг ўзаро назорати йўлга кўйилишида.

6. ЧҚБТ фани мавзулари бўйича қўшимча маълумотлар олишини истайсизми ?

- ха;
- йўқ.

7. ЧҚБТ фани мавзулари бўйича қўшимча маълумотлар олиш учун имкониятлар мавжудми?

- ха;
- йўқ.

**Ўрта махсус касб-хунар таълими тизимида чақирувга қадар
бошланғич тайёргарлик фани “отиш тайёргарлиги” боби бўйича
машғулот самарадорлигини оширишда фойдаланилган
материаллар**

"Отиш тайёргарлиги" боби

Дарснинг таълимий мақсади - ўқувчилар ўқотар қуроллар, қўл гранаталари, танкка, пиёдаларга қарши миналарнинг вазифаси, тузилиши, ишлаш тамойили ҳамда жанговор хусусиятларига доир дастлабки билим ва кўникумаларни эгаллайдилар. Ўқотар қуролларни қисмларга ажратиш ва йиғиш, шунингдек, қуролни тозалаш, мойлаш, сақлаш ва авайлаб - асрар бўйича амалий кўникумалар шакллантирилади. Шунингдек, отиш қоидалари асосларини ўзлаштирадилар, ўқотар қуроллардан отиш бўйича дастлабки ўқув машқларини бажарадилар. Кўл гранаталарини турли ҳолатлардан улоқтириш техникасини ўрганадилар. Отиш тайёргарлиги машғулотларида, отиш амалиётини бажаришда хавфсизлик чораларига риоя қилиш кўникумаларини эгаллайдилар.

Дарснинг тарбиявий мақсади ўқувчиларни маънавий, ахлоқий ва жанговар сифатларини шакллантириш, ҳамда уларни ватанпарварлик рухида тарбиялаш. Дарснинг ривожлантирувчи мақсади ўқувчиларда "Отиш тайёргарлиги" дарси мавзусидан ўз фикрларини мустақил баён эта олишлари ва турли вазиятларда ўзига бириктирилган жанговар қуролдан окилона фойдалана олиш кўникумаларини ривожлантириш.

“Ўқотар қуролларнинг вазифаси, тузилиши, ишлаш тамойили ва жанговор хусусиятлари. Кўл гранаталари мавзуси”

Дарснинг таълимий мақсади - ўқувчилар ўқотар қуроллар, қўл гранаталари, танкка, пиёдаларга қарши миналарнинг вазифаси, тузилиши, ишлаш тамойили ҳамда жанговор хусусиятларига доир дастлабки билим ва кўникумаларни эгаллайдилар.

Дарснинг тарбиявий мақсади - ўқувчиларга ҳарбий хизматчиға бириқтирилган қурол-яроғ ва ўқ-дориларга жавобгар эканлигини англатиш. Ўзига бириқтирилган қурол-яроғ ва ўқ-дориларга нисбатан ўта эҳтиёткорлик сифатларини шакллантириш.

Дарснинг ривожлантирувчи мақсади - ўқувчилар қоблиятини шакллантириш, онгли интизомлиликтини ва маъсулиятлиликни ривожлантириш. Мавзуга доир чуқурроқ маълумотларга эга бўлишларига эътиборларини жалб қилиш.

" Қуролдан отишнинг асослари ва қоидалари" мавзуси.

Дарснинг таълимий мақсади - ўқотар қуролларни қисмларга ажратиш ва йиғиш, шунингдек, қуролни тозалаш, мойлаш, сақлаш ва авайлаб - асрар бўйича амалий кўникумалар шакллантириш. Шунингдек, отиш қоидалари асосларини ўргатиш, ўқотар қуроллардан отиш бўйича дастлабки ўқув машқларини бажаришни машқ қилдириш.

Дарснинг тарбиявий мақсади - ўқувчиларда Она-Ватанга, оиласига, ҳарбий хизматга бўлган муҳаббат ҳисларини янада ошириш. Ўз юртига содиклик фазилатларини юксалтириш.

Дарснинг ривожлантирувчи мақсади — ўқувчиларда мўлжалга олиш, диққат ва сабр-тоқат каби сифатларини ривожлантириш.

" Жойда туриб ва ҳаракат пайтида қўзғалмас ҳамда пайдо бўлувчи нишонларга ўт очиш" мавзуси.

Дарснинг таълимий мақсади - қўл гранаталарини турли ҳолатлардан улоқтириш техникасини ўргатиш. Отиш тайёргарлиги

машғулотларида, отиш амалиётини бажарында хавфсизлик чораларига риоя қилиш күнкімаларини шакллантириш.

Дарснинг тарбиявий мақсади ўқувчиларда мардлик, жасурлик, топқирлик, ташаббускорлик каби хислатларни шакллантириш.

Дарснинг ривожлантирувчи мақсади - ўқувчиларда оғир ва экстремал вазиятларда ҳам ўзини-ўзи идора қилиш қобилиятыни шакллантириш, диққатни ривожлантириш.

Глоссарий

Термин	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
Инновация	янгиланишни, ўзгаришни амалга жорий этиш жараёни ва фаолияти (инглизча инновация – киритилган янгилик, ихтиро).	Innovation is the creation of better or more effective <u>products</u> , <u>processes</u> , <u>services</u> , <u>technologies</u> , or <u>ideas</u> that are accepted by <u>markets</u> , <u>governments</u> , and <u>society</u> . Innovation differs from <u>invention</u> in that innovation refers to the use of a new idea or method, whereas invention refers more directly to the creation of the idea or method itself.
Метод	бу билимга эришиш усули, олимнинг маълум тарзда тартибга солинган, онгли ва изчил фаолиятидир.	a method is associated with. Methods define the behavior to be exhibited by instances of the associated class at program run time. Methods have the special property that at runtime, they have access to data stored in an instance of the class they are associated with and are thereby able to control the state of the instance. The association between class and method is called binding. A method associated with a class is said to be bound to the class.
Технология	Муайян ишлаб чиқариш соҳасидаги усуллар ва жараёнлар мажмуаси. Информатикада турли туман ахборот технологиялари ишлатилади, биринчи навбатда, компьютер технологиялари	Is the making, usage and knowledge of <u>tools</u> , <u>techniques</u> , <u>crafts</u> , <u>systems</u> or methods of organization in order to solve a problem or serve some purpose. The word <u>technology</u> comes from <u>greekτεχνολογία</u> (technología); from <u>τέχνη</u> (téchnē), meaning "art, skill, craft", and <u>-λογία</u> (-logía), meaning "study of-"
Лойиха усули		
Хамкорлк да ўқитиш	Машғулотлар жараёнида талабалар билан ахборот,	Information sharing, personal and professional experiences among the

	шахсий ва касбий тажрибаларни алмашиш асосидағи гурӯхий ўқитиши шакли	students in the process of group face-to-face classes
Жанг	Бой	The battle
Жанг турлари	Виды боя	Types of combat
Манёвр	Манёвр	Maneuver
Күч ва воситалар	Сил и средства	Power and tools
Жанговар шайлик	Боевая готовность	Combat training